Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 133 (5226).

9 ИЮЛЬ СЕШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

С. М. КИРОВ НОМЛИ МОСКВА „ДИНАМО" ЭЛЕКТР МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сизларни меҳнатда эришилган улуғвор ютуқ — меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан беш йиллик план топшириқлари уч йилу тўрт ойда барвақт бажарилганлиги билан қизғин табриклайди.

Шу вақт ичида заводда электр моторлар ва аппаратларнинг сифати, пухталиги ва чидамлилиги, ишлаб чиқариш рентабеллиги ҳам анча кўтарилганлигини таъкидлаш ҳам қувонарлидир. Сизнинг шахсий планлар асосида меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан олиб бораётган иш тажрибангиз юксак баҳога сазовордир.

Сизларнинг эришган муваффақиятингиз корхонада социалистик мусобақа яхши ташкил этилган бўлса, ишлаб чиқариш техника жиҳатидан изчиллик билан қайта қуролланториб, такомиллаштириб борилган бўлса, ходимларнинг ҳунар маҳорати муттасил ошириб борилаётган бўлса, бундай меҳнат коллективида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг катта-катта резервлари яратилиб, улардан самарали фойдаланилаётганлигини яққол кўрсатади.

Азиз ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети Сизларнинг меҳнат унумдорлигини оширишда эришилган натижаларни мустаҳкамлаб бундан буён ҳам ривожлантириб боришингизни, 1974 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришда янги-янги муваффақиятларга эришишингизни ҳамда тўққизинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришингизни тилайди.

Л. БРЕЖНЕВ,
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧИНЧИ СОВЕТ—АМЕРИКА УЧРАШУВИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Н. В. Подгорнийнинг, СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ А. Н. Косигиннинг ва СССР ташқи ишлар министри ўртоқ А. А. Громиконинг АҚШ Президенти Р. Никсон билан Совет Иттифоқида 1974 йил 27 июндан 3 июлгача ўтказган музокаралари Совет—Америка муносабатларини яхшилашга қўшилган янги катта ҳисса бўлиб, халқаро кескинликни янада юмшатишга, халқаро муносабатларда социал системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришга ёрдам беради, бу эса СССР ва АҚШ халқларининг манфаатларига, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос келади.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети партия билан Совет давлати Тинчлик программасини изчилик билан амалга оширганликлари туфайли Совет — Америка муносабатларида сўнгги икки йил ичида туб ижобий бурилиш бўлганди, деб мамнуният билан таъкидлайдилар.

Дастлабки икки учрашув — 1972 йилнинг майида Москвада ва 1973 йилнинг июнида АҚШда ўтказилган учрашувлар натижасида СССР билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асослари, ядро урушининг мудофаа системасининг асослари, ядро урушининг олдини олиш тўғрисида битим, ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисида шартнома ва стратегик ҳужум қурол-яроғларини чеклаш соҳасидаги баъзи тадбирлар тўғрисида муваққат битим сингари ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, шунингдек тинч-тотув яшаш принциплари негизида ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларни белгилаб берувчи бош сиёсий ҳужжатлар имзоланган эди.

Совет — Америка раҳбарларининг учинчи учрашуви чоғида ҳар икки томон 1972—1973 йилларда имзоланган ҳужжатларда белгиланган асосий йўлга астойдил амал қилиш ва шу йўлни амалга ошириш зарур, деган хулосага келди. СССР билан АҚШ ўртасида тузилган битимлар Совет — Америка муносабатларини ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун умуман кенг негиз яратиб беради.

Музокаралар чоғида уруш хавфини янада қамайтириш ва стратегик қурол яроғларни чеклаш масалаларига катта аҳамият берилди. Илгари ўтказилган учрашувларда бу соҳада асос бўладиган ҳужжатлар имзоланганлигини ҳисобга олиб ҳар икки мамлакатнинг ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисида, ядро қуролини ер остида синаб кўришни келишиб чеклаш ҳақида, стратегик ҳужум қурол-яроғларини чеклашга қаратиб, бундан буён куч-ғайрат тўғрисида, химия қуролини давлатларнинг аслаҳа хоналаридан чиқариб ташлашга қаратилган тадбирларни қабул қилиш тўғрисида келишиб олинди.

Буларнинг ҳаммаси тинчликни ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш йўлидан жиддий суратда олға бориш бўлиб, халқаро кескинликнинг юмшаганлигини мустаҳкамлайди ва чуқурлаштиради.

Уруш хавфини, айниқса ядро қуролини ва ялпи қирғин қурол-яроғларнинг бошқа турларини қўлланишга олиб келувчи уруш хавфини туғатишга, қуролланиш, айниқса стратегик қурол-яроғлар билан қуролланиш пойгасини чеклашга ва оқибат-натижада тўхтатишга, кескинликнинг юмшаганлигини мустаҳкамлашга ва уни бутун жаҳонга ёйишга қаратиб биргаликда куч-ғайрат сарфлаш тўғрисида АҚШ билан СССРнинг ҳужжатларда қайд қилинган азму қарори принципиал аҳамиятга эга. Ҳар икки томон ўз зиммаларига олган мажбуриятларнинг бажарилиши халқаро хавфсизликни чинакам таъминлашга хизмат қилади.

Соғлиқни сақлаш, энергетика, уй-жой ва қурилишнинг бошқа турлари соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимлар, айниқса иқтисодий, саноат ва техникавий ҳамкорликка кўмаклашиш тўғрисидаги узоқ муддатли битим икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ишида олға қараб янада зўр бериб қилинган ҳаракатдир. Тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, барча давлатларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳурмат қилиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятлар халқаро вазиятни янада яхшилашнинг ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришнинг муҳим омилидир.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг муваффақиятли тугалланиши шу қитъада барқарор тинчликни вужудга келтириш учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳар икки томон музокаларларнинг натижалари олий даражадаги кенгашни яқин вақт ичида тугаллашга ёрдам беради, деб ҳисоблайди, бу эса Европа ва бутун дунё халқларининг манфаатларига мувофиқ бўлур эди.

Ҳар икки томон БМТ Хавфсизлик Кенгашининг машҳур резолюциялари негизида Яқин Шарқдаги воқеаларни тинч бартараф қилиш соҳасидаги ўз позицияларини таъкидлаганлиги катта аҳамиятга эгадир. Бунда Яқин Шарқдаги барча халқларнинг, шу жумладан Фаластин халқининг қонуний манфаатлари ҳамда шу райондаги барча давлатларнинг яшаш ҳуқуқи ҳисобга олиниши позим.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети янги Совет—Америка учрашуви СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар тарихида муҳим босқич бўлганлигини, замонамизнинг эмг муҳим проблемалари юзасидан бир қанча принципиал келишувларга эришишга олиб келганлигини мамнуният билан таъкидлайдилар. Совет халқи бўлиб ўтган музокаларнинг якунларини яқдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий, бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети КПСС XXIV съезди қарорларини, съезд қабул қилган Тинчлик программасини, халқаро ишларда қардош социалистик мамлакатларнинг биргаликда келишиб олинган йўлини амалга ошириш соҳасидаги ишни изчиллик билан олиб боришга, агрессив империалистик кучларнинг қиддиркорларига зарба беришга, социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш, СССРнинг иқтисодий сиёсий қудратини янада ўстиришни таъминлашга, совет халқининг фаровонлигини оширишга, ер юзида мустаҳкам тинчликни ва халқларнинг социал тараққиётини таъминлашга бутун чоралар билан кўмаклашишга қатъий қарор берганликларини билдирадилар.

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Н. В. ПОДГОРНИЙ СОМАЛИ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Сомали Демократик Республикаси Олий революцион кенгашининг президенти генерал Муҳаммад Сиад Барренинг таклифигига биноан, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 7 июлда расмий визит билан Москвадан Сомали Демократик Республикасига жўнаб кетди.

Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Н. В. Подгорнийни Ю. В. Андропов, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Б. Н. Пономарев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари М. А. Яснов, Г. С. Дзоценидзе, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, СССР парламент группасининг Раиси А. П. Шитиков, СССР парламент группаси раисининг биринчи ўринбосари Е. С. Насриддинова, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР министрлари Б. П. Бугаев, К. И. Галаншин, В. П. Елютин, В. П. Лесин, СССР Бош прокурори Р. А. Руденко, СССР Олий Советининг Раиси Л. Н. Смирнов, «Известия» газетасининг Бош редактори Л. Н. Толкунов, Москва Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари В. П. Исаев ва бошқалар узатиб қолдилар.

Узатиб қолувчилар орасида Сомали Демократик Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили Абдулахи Абдураҳмон Адан бор эди.

Н. В. Подгорний ўша куни Сомалига бориш йўлида Симферополда қисқа вақт тўхтаб ўтди.

Аэродромда Н. В. Подгорнийни ва унга ҳамроҳ бўлган расмий кишиларни Украина Компартияси Қрим область комитетининг биринчи секретари Н. К. Кириченко, меҳнаткашлар депутатлари Қрим область Совети ижроия комитетининг раиси Т. Н. Чемодуров, область ва шаҳарнинг бошқа раҳбар ходимлари узатиб қолдилар.

(ТАСС).

* * *

СИМФЕРОПОЛЬ, 7 июль. (ТАСС). Расмий визит билан Сомали Демократик Республикасига бораётган СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бугун Симферополдан Могадишога жўнаб кетди.

Аэродромда Н. В. Подгорний билан унинг ҳамроҳларини Украина Компартияси Қрим область комитетининг биринчи секретари Н. К. Кириченко, меҳнаткашлар депутатлари Қрим область Совети ижроия комитетининг раиси Т. Н. Чемодуров, область ва шаҳарнинг бошқа раҳбар ходимлари узатиб қолдилар.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ҒАЛЛА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 8 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — халқ хўжалик плани (тонна ҳисобида), иккинчи стун — бир кунда тайёрланган, учинчи стун — мавсум бошидан бери (процент ҳисобида).

Бекобод	400	7,3	210,3
Чиноз	400	49,7	127,5
Урта Чирчиқ	1500	—	100,7
Бўка	300	3,7	76,7
Оҳангарон	3630	10,1	69,2
Пискент	800	3,2	61,4
Бўстонлиқ	3800	4,0	44,1
Юқори Чирчиқ	7170	1,6	21,8
Янгийўл	—	—	—
Қуйи Чирчиқ	—	—	—
Калинин	—	—	—
Оржоникидзе	—	—	—
Оққўрғон	—	—	—
Область бўйича	18000	5,3	56,0

„САЛЮТ-3": ПРОГРАММА МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА

ПАРВОЗНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 7 июль. (ТАСС). Москва вақти билан соат 13 гача «Салют»-3 орбитал илмий станцияси Ер атрофини 20 марта, шу жумладан ичига космонавтлар тушган ҳолда 40 марта айланиб чиқди. Экипаж станцида парвоз қилишнинг учинчи иш куни программасини муваффақиятли бажармоқда.

Космонавтлар Павел Попович ва Юрий Артюхин кун давомида бир қанча медицинавий экспериментларни бажардилар. Бош миянинг ҳолатидаги ўзгаришини ўрганиш мақсадида унинг реографик усулда қон билан тўлиши тадқиқ қилиб кўрилди. Парвознинг дастлабки кунларида калла-га кўп қон тўпланиши айниқса сезилади, шу сабабли бу эксперимент ғоят диққатга сазовордир.

Вазнсизлик туфайли кўнгилсиз ҳолатлар рўй беришининг олдини олиш учун станция ичига турли туман жисмоний машқларнинг катта комплексини бажариш имконини берадиган махсус тренажер ўрнатилган.

Тренажер машқ учун яроқли ҳолатга келтирилгач, космонавтлар унда машқ қила бошладилар. Бунда улар машқларни бажариш вақтида космонавтларнинг ҳолатини қайд этишга ва уларнинг ҳаракатининг зарур структурасини сақлашга мўлжалланган махсус кийимдан фойдаландилар.

Ер билан алоқа сеанси вақтида космонавтлар Павел Попович билан Юрий Артюхин парвоз нормал давом этаётганлигини, сиқаласоматликлари дурустлиги ва ўзларини яхши ҳис этаётганликларини, кайфиятлари чоғ эканлигини маълум қилдилар.

* * *

ПАРВОЗНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 8 июль. (ТАСС). Учувчи бошқарадиган «Салют-3» станциясида учинчи иш куни бугун кечаси Москва вақти билан соат бирга яқин тугади. Бундан олдин космонавтлар Павел Попович билан Юрий Артюхин «Полином-2М» кўп функцияли аппарати ёрдамида вазнсизлик шароитида гемодинамикани ўрганиш юзасидан медицина биология экспериментларини ўтказдилар.

Эксперимент жараёнида қон айланишининг ҳолатини, артерияларнинг бўйлаб пульс тўлқининг тарқалиш тезлигини акс эттирувчи ва юракнинг зарб ҳамда минутлик ҳажмини ҳисоблаш имконини берадиган маълумотлар олинди.

Ўтказилган тадқиқот маълумотларини дастлабки ишлаб чиқиш натижалари ҳар икки космонавтнинг қон айланиш функцияси учиндан олдинги даврдагига нисбатан ўнчалик ўзгармаганлигидан далолат беради.

Парвознинг тўртинчи иш куни программасини бажариш давомида «Салют-3» станцияси бортидан Ер сирти ва атмосфера акс эттирган қўёш ёруғлигининг қутбланиши кузатилди.

Ана шу ўлчашларнинг натижалари табиий ресурсларни тадқиқ қилиш методикаларини такомиллаштириш учун, шунингдек космик аппаратлар алоҳида навигациясини приборларини яратиш вақтида фойдаланилади.

Космонавтлар Павел Попович билан Юрий Артюхин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. «Союз-3» станциясининг парвози давом этмоқда.

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети районлар, колхозлар, совхозларда давлатга мева, сабзавот ва картошка сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича шу йил 1 июлгача бўлган якунларини кўриб чиқиб, қарор қилдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районига** (район партия комитетининг биринчи секретари **Р. Қамбаров**, район ижроия комитетининг раиси **Б. Тошхўжаев**, район комсомол комитетининг секретари **К. Тошмуҳамедов**, қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **С. Назиров**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифатини аниқлаш давлат бош инспектори **Э. Халилов** ўртоқлар) берилди. Бу район давлат контрактация шартномаси бўйича сабзавот тайёрлаш йиллик планни 29 процент, картошкани 43,7 процент, мева сотишни 30,9 процент бажарди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидаги **«Партия XXI съезди» совхозига** (директори **Т. Мелибоева**, партия ташкилотининг секретари **А. Мирзоҳидов**, ишчилар комитетининг раиси **М. Абдуллаев**, бош агрономи **М. Расулов** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз давлат контрактация плани бўйича сабзавот топшириш йиллик планини 44,2 картошка планини 104 ва сабзавот сотиш планини 101 процент қилиб адо этган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидаги **Охунбобоев номли колхозга** (раиси **З. Жалилов**, партия ташкилотининг секретари **Х. Ҳакимов**, бош агрономи **Й. Эшонов** ўртоқлар) берилди. Бу колхоз давлат контрактация планига кўра сабзавот тайёрлаш йиллик планини 44,2 процент, картошка сотиш планини 104, мева сотиш планини 101 процент қилиб бажарди.

* * *

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети ғалла ўриш, давлатга дон топшириш ва ғалла ташиш юзасидан мусобақа шартлари бажарилишининг 1974 йил 6 июлгача бўлган натижаларини кўриб чиқиб, қарор қиладилар.

Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Урта Чирчиқ районига** (район партия комитетининг секретари **С. Аҳмедов**, район ижроия комитетининг раиси **А. Шосолихов**, район комсомол комитетининг секретари **Ю. Оймирзаев**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Т. Мирёқубов** ўртоқлар) берилди. Бу район ғалла ўрими планини 80,4 процент, давлатга ғалла сотиш топширғини 29,6 процент бажарган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Оҳангарон районидаги **«Ғаллақудуқ» совхозига** (директори **Г. П. Гриценко**, партия ташкилотининг секретари **А. Ғафуров**, бош агрономи **Э. Комилжонов**, бош инженери **О. Сангиев**, ишчилар комитетининг раиси **Н. Ю. Лунарев** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз ғалла ўрими планини 85 процент, давлатга ғалла етказиб бериш топширғини 33,5 процент бажарган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Юқори Чирчиқ районидаги **«Ленинский путь» колхозига** (раиси **Т. В. Эм**, партия ташкилотининг секретари **Д. Файзуллаев**, бош агрономи **Г. В. Эн**, бош инженери **Д. С. Сим** ўртоқлар) берилди. Бу колхоз ғалла ўрими планини 83,6 давлатга дон етказиб бериш топширғини 13,6 процент адо этган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Олмалиқ автохолоннаси 46-автобазасига** (бошлиғи **И. Назаров**, партия ташкилотининг секретари **А. Кузьмин**, маҳаллий комитет раиси **В. Раҳмонов** ўртоқлар) берилди. Автобаза ғалла ташиш планини 100,5 процент бажарган.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси билан СССР Министралр Совети КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегациясининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг 1974 йил 18-21 июнь кунлари Софияда бўлиб ўтган XXVIII сессияси якунлари тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқдилар.

Сессия қарорлари социалистик давлатларнинг қардошларча ҳамкорлигини янада ривожлантириш, уларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш, жаҳон социализмининг халқаро позицияларини ва обрў-эътиборини кучайтириш учун жуда катта сиёсий аҳамиятга эга эканлиги қайд қилинди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши 25 йиллик фаолиятининг муваффақиятли якунлари КПСС, қардош коммунистик ва ишчи партияларининг социалистик мамлакатларни бир-бири билан ҳар томонлама яқинлаштиришга ва уларнинг мустаҳкам ҳамжиҳатлигига қаратилган интернационалистик сиёсати тантанасининг яққол далилидир. Экономикани ва халқ фаровонлигини юксалтириш ишида, халқларнинг жипслашган ҳамда уларнинг миллий ва интернационал манфаатларини узвий равишда кўшиб олиб борадиган ҳамдўстлигини шакллантиришда социализмнинг туб афзалликлари шу якунларда реал равишда мужассамлашди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси билан СССР Министрлар Совети қардош партиялар ва давлатларнинг раҳбарлари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXVIII сессиясига йўлланган табрикномаларида социалистик мамлакатларнинг ҳамма соҳаларидаги бирлиги ва жипслигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга, социалистик иқтисодий интеграция компелкс программасини изчиллик билан амалга оширишга, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашини мустаҳкамлашга Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ва социализм мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлиги бошқа халқаро ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштиришга яқдил бўлиб аҳд қилганликларини изҳор этганлигини юксак баҳолайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси билан СССР Министрлар Совети Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXVIII сессияси белгилаган тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши социалистик ва коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда қардош мамлакатларнинг куч-ғайратларини яхшада самарали ва планли равишда мувофиқлантиришга ва бирлаштиришга ёрдам беради, шунингдек социалистик ҳамдўстликнинг қудрати ва халқаро таъсирини социал тараққиёт, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун кураш манфаатлари йўлида мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР делегациясининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши XXVIII сессиясидаги фаолиятини маъқулладилар ҳамда сессия қарорларининг тўла-тўкис ва ўз вақтида бажарилишини тамъинлайдиган зарур чораларни ишлаб чиқиб, амалга оширишни ваколатли совет органларига топширдилар.

ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

УЗБЕКИСТОН ССР ВА УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛ

Ўзбекистон индустрияси саноат маҳсулотларини реализация этиш юзасидан тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йили — 1974 йил январь — июнь планини 104 процент, меҳнат унумдорлиги жиҳатидан 102,5 процент бажарди.

Шу йилнинг олти ойи мобайнида пландан ташқари 200 миллион сўмликдан знёд маҳсулот реализация этилди. Саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми ўтган йил биринчи ярмидагига нисбатан 7,8 процент ошди, меҳнат унумдорлиги эса 4,6 процент кўтарилди. Ишлаб чиқариш ўсишининг 60 проценти ва пландан ташқари қарийб ҳамма маҳсулот меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинди.

Қорақалпоғистон АССР, республиканинг ҳамма областлари ва Тошкент шаҳри саноат маҳсулотларини реализация этиш планини ошириб бажарди.

Қорақалпоғистон АССР, республика областлари ва Тошкент шаҳри бўйича саноат ишлаб чиқариш планининг бажарилиши ва ўсишининг суръатлари қуйидагича бўлди: (Биринчи стун — июнь ойида маҳсулот реализация этиш планининг бажарилиш проценти, иккинчи стун — январь — июнь ойларида маҳсулот реализация этиш планининг бажарилиш проценти, учинчи стун — 1974 йилнинг январь—июнидаги ялпи маҳсулот планининг бажарилиши 1973 йилнинг шу даврдагига нисбатан процент ҳисобида).

Ўзбекистон ССР бўйича жами	105,5	104,0	107,8
Шу жумладан:			
Қорақалпоғистон АССР	109,5	106,5	117,1
Андижон области	106,3	105,2	109,0
Бухоро области	103,5	103,7	96,0
Жиззах области	101,8	104,6	114,0
Қашқадарё области	104,7	105,3	107,2
Наманган области	105,4	105,2	108,5
Самарқанд области	106,0	103,7	109,4
Сурхондарё области	107,7	104,7	113,8
Сирдарё области	120,8	107,8	131,9
Тошкент области	105,8	103,6	108,3
Фарғона области	105,0	103,9	104,5
Хоразм области	108,7	104,2	108,0
Тошкент шаҳри	104,1	103,1	109,0

Қорақалпоғистон АССР территориясида жойлашган корхоналар пландан ташқари 8,3 миллион сўмдик маҳсулотни, Андижон области территориясида жойлашган корхоналар пландан ташқари 17,6 миллион сўмлик маҳсулотни, Бухоро областида 13,2 миллион сўмлик, Жиззах областида 2,8, Қашқадарё области 10,5, Наманган областида 13,8, Самарқанд областида 16,8, Сурхондарё областида 8,5, Сирдарё областида 8,2, Тошкент областида 32,0, Фарғона областида 28,8, Хоразм областида 5,8 ва Тошкент шаҳрида 32,3 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилдилар.

Йилнинг биринчи ярмида пландан ташқари реализация этилган маҳсулот Пахта тозалаш саноати министрлиги бўйича 89,3 миллион сўмни, Енгил саноат министрлиги бўйича 20,9 миллион сўмни, Озиқ-овқат саноати министрлиги бўйича 20,8 миллион сўмни, Гўштсут саноати министрлиги бўйича 10,5 миллион сўмни ташкил этди. Республикадаги бошқа министрликлар ва идораларнинг корхоналари, шунингдек Иттифоққа бўйсунувчи саноат корхоналари планни ошириб бажаришга катта ҳисса қўшдилар.

Республикада халқ хўжалик юклари ташиш планларини ошириб бажарган транспорт корхоналарининг муваффақиятли ишлари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация этиш планларининг ошириб бажарилишига кўп даражада ёрдам берди.

Умумий ижобий якунлар билан бир қаторда айрим корхоналар 11,1 миллион сўмлик саноат маҳсулотини реализация этолмадилар. Қолоқ корхоналар анча камайган бўлсада, шундай аҳвол юз берди. Навоий химия комбинати, Наманган трансформатор заводи, Тошкент рўзғор холодильниклари заводи, Тошкент мебель комбинати ва Янгийўл мебель фабрикаси, «Изокровля» заводи ва бошқа қатор заводлар маҳсулотни реализация этиш планини бажара олмади.

Оммаининг меҳнат шавқи-завқини бундан буён ҳам ҳар тарафлама авж олдириб бориш, барча меҳнат коллективлари республика ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 50 йиллиги шарафига зиммасига олган юксак социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришига меҳнаткашларни сафарбар этиш юзасидан ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, министрликлар, идоралар ва корхоналар раҳбарларининг энг муҳим вазифасидир.

ДИРЕКТИВА ОБЪЕКТЛАРИДА

ҚУРИЛИШДА БИР КУН

«АНГРЕН РЕЗИНА КОМБИНАТИ ҚУРИЛИШИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛСИН...»

(КПСС XXIV съезди директиваларидан).

Қурилаётган корхона директори ўринбосари Анатолий Пискуновнинг юқори қаватдаги хонаси деразасидан комбинатнинг маъмурий биноси ҳамда асосий ишлаб чиқариш корпуси худди кафтдагидек кўзга яққол ташланади.

Қоришма тайёрлайдиган узелни тўхтовсиз гўриллатиб ишлатаётган, эшик дераза рамаларига моҳирлик билан сайқал бераётган пардозловчиларнинг, ўз юмушлари билан елиб-югураётган қурувчиларнинг ҳаракатидан уларнинг шошилаётганликлари сезилиб турибди. Ангрен шамоли қўзғатаётган чанг-тўзонга, кўпнинг жазирамасига қарамай тинимсиз ҳаракат қилаётган бунёдкорлар, кун сайин юксалиб бораётган ишлаб чиқариш корпусига ўйчан боқиб турган директор ўринбосарининг чеҳрасида ҳам ташвиш аломатлари.

— Ташвишланмай бўладими? — дейди у. — Тасаввур қилинг-а, мана шу ишлаб чиқариш корпусининг томи, ёрдамчи қурилишларни ҳисобга олмаганда, тўрт гектар саҳни ташкил этади. Бу улкан майдонда озмунча дастгоҳ ўрнатилмайди. Уларни тўғри жойлаштириб тўла қувват билан ишга тушириш жуда катта меҳнат талаб қилади. Бунинг учун 23 миллион сўм маблағ ажратилган. Қурувчилар эса биринчи навбатни муддатидан бир йил илгари ишга туширамиз, деб социалистик мажбурият олишган.

Тўғри, улар ваъдаларига яраша жон қуйдириб меҳнат қилишяпти. Ёрдамчи объектлар ҳисобланган подстанция, холодильник ва қозонхона биноларини ҳозирданоқ тўла қўлдан чиқариб қўйиб, барча кучни ишлаб чиқариш корпусидаги асосий ишларга қаратмоқдалар. Улардан кўнглимиз тўқ, бироқ материал танқислиги бироз қийнаётир. Қурилиш учун зарур бўлган бинокорлик материалларининг аксарияти қурувчиларимизга нотаниш. Тажрибасизлик натижасида қийинчиликларга дуч келинмоқда. Бунинг устига таъминотчилар мураккаб металл конструкцияларни ўз вақтида етказиб беролмаётирлар. Шунга қарамай, қурувчилар графикдан орқада қолмаслик учун ҳамма имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

Ҳақиқатдан ҳам биринчи навбатнинг ишлаб чиқариш корпуси улкан майдонни эгаллаган. Корпуснинг ичкарисига кириб қарасангиз, унинг нариги бошида ишлаётган кишиларни кўз илғамайди. Бу ерда асосан «Ўзбекшахтострой» трести 6-қурилиш бошқармасининг Талъат Зокиров бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари меҳнат қилмоқдалар. Бригадага янги қабул қилинган ёшлар ўрнатилажак дастгоҳларга ҳаққонлик билан жой ҳозирламоқдалар. Дурадгорлардан Исмоил Табаев ва Петр Полулях унга тахта новлар ўрнатишаётир. Арматурачи Абдуқаҳҳор Аҳмедов билан Шамси Набиев пўлат электродлардан учқун чақнатиб симтўр ясамоқдалар. Тайёр бўлганларини эса пешма-пеш келтириб, тахта новларга қўймоқдалар. Луция Габдурахмоновалар билан Вячеслав Шляпников тайёр бўлган пойдевор ўрнига бетон қоришмаси ётқизишмоқда. Талъат Зокиров эса уларга бош-қош.

— Комбинатнинг биринчи навбатини муддатидан бир йил илгари фойдаланишга топшириш ташаббусини бошлаганлардан бири бизнинг бригадамиз аъзолари бўлди, — дейди бригада бошлиғи. — Қурилишга ҳам биринчи бўлиб қўл урдик. Иш бошлашдан аввал, кўп йиллик тажрибамизга суяниб, аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Агар ҳар куни смена топширигини 130 процентга етказиб бажариб борсак, ишлаб чиқариш корпуси шу йилнин 5 декабрида дастлабки маҳсулотни бериши мумкин экан. Кундалик ишимизни худди шу планда ташкил этдик. Кўрсаткичларимиз ҳам ҳали бирор марта 130 процентдан паст бўлгани йўқ. Биз билан ёнма-ён меҳнат қилаётган Дмитрий Зазулин бошлиқ комплекс бригада, Яков Янцен бошлиқ сувоқчилар бригадаси аъзолари ҳам иш нормаларини 1,5 ҳиссадан ошириб бажаришяпти.

6-қурилиш бошқармаси раҳбарлари бу муҳим директива объекти қурилишини Димитрий Зазулин, Абдулла Қорабоев, Яков Янцен, Талъат Зокировлар бошлиқ энг илғор бригада коллективларига катта ишонч билан топширган эди. Ҳозир бу бригадалар ўзаро социалистик мусобақани қизғин авж олдириб, коллектив ишончини шараф билан оқламоқдалар.

Д. Зазулин бошлиқ бригада қурувчилари беш йиллик планни аллақачон бажариб қўйишган. Уларнинг эндиги мақсади шу беш йилликда яна бир беш йилликни бажаришдир. Зазулинчиларнинг бугунги ғайрат-шижоатлари ўз ваъдалари устидан чиқишларига шубҳа туғдирмайди.

Яков Янцен бошлиқ пардозловчилар ҳам беш йилликни якунлаш арафасида турибдилар. Ҳозир улар кўп қаватли маъмурий бинода энг сўнгги пардозлов ишларини олиб боришаётир. Бу ерда бўлажак корхона инженер-техник ходимлари ва хизматчилари учун мўлжалланган хоналардан ташқари катта душхона, 100 дан ортиқ ишчига мўлжалланган ошхона жойлашади.

Пардозловчилар ишлаб чиқариш корпусининг ёрдамчи объектлари бўлган қозонхона, холодильник ва подстанция биноларини муддатидан илгари сифатли пардозлаб чиқариб, маъмурий бинодаги ишларни ҳам тугаллаш арафасида турибдилар. Аҳил коллектив кунлик норманн 180—200 процентга етказиб бажармоқда. Бунга иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан тўла ва унумли фойдаланиш орқали эришилаётир.

Бригадада иш шундай ташкил этилганки, қоришма ёки бўёқ йўқлигида ҳам ҳеч ким бекор туриб қолмай, эртанги кун учун иш фронти ҳозирлаш билан шуғулланади.

Бундан ташқари, бригаданинг ҳар бир аъзоси ўзи бажарадиган иш технологиясини пухта эгаллаган. Улар ўзлари бажараётган ишнинг таннархи ва унга тўланадиган иш ҳақининг миқдорини аниқ биладилар. Бу пардозловчиларда катта қизиқиш уйғотади, натижада иш унуми юқори бўлади.

— Бригада аъзоларидан бирор кишини илғорлар сифатида алоҳида ажратиб кўрсатиш қийин, — дейди бригада бошлиғи. — Бизда ҳамма илғор. Ҳаммамиз ўз ишимизга ижодий муносабатда бўлиб, доимо янгилик излаб топишга ҳаракат қиламиз. Шунинг учун бригадада пардозлов ишлари деярли тўла механизациялашган.

Бригада бошқарма бўйича касбмаҳоратини ошириш мактабига айланиб қолган, десак муболаға бўлмайди. Қурувчи касбини танлаган ёшлар асосан шу бригадага юборилади. Мана шу юбилей объектида иш бошлангандан бери жуда кўп ёшлар ҳунар ўрганди. Улар жамоатчилик ишларини бажариш билан бирга ҳар куни икки иш кунига белгиланган нормани ҳам уддалашга улгурмоқдалар.

— Мана энди маъмурий бино ҳам чирой очиб, кўзга кўриниб қолди. Мақсадимиз шуки, бу бинони тўла қўлдан чиқарган кунимиз, бир йўла беш йилликни бажарганлигимиз ҳақида рапорт ҳам бермоқчимиз. Беш йилликнинг ўтган даврида бажарган ишларимизни сарҳисоб қилиб ва шу объектдаги қолган ишларни чамалаб кўриб, шундай қарорга келдик, — дейди бригадир.

Дарҳақиқат, Директива объектида иштирок этаётган ҳар бир коллектив қурилишнинг нақадар муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга эканлигини чуқур ҳис қилган ҳолда фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилаётир.

Қурилаётган корхона директори Имом Назорович Искандаровни қурувчилар орасида учратдик. У участка бошлиқлари, прораблар, мастерлар, ва бригада раҳбарларини объектдаги ишнинг умумий аҳволи билан таништираётган экан. Имом Назарович қурилишнинг бориши ҳақида бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Комбинат тўла қувват билан ишга туширилгач, у тайёрланаётган маҳсулотларнинг ҳажми, хилма-хиллиги ва халқ хўжалигидаги муҳим аҳамияти билан Совет Иттифоқида ягона гигант корхона бўлади. Партия ва ҳукуматимиз бу улкан қурилиш учун 400 миллион сўм маблағ ажратган. Корхона бешта йирик заводдан иборат бўлиб, қурилиш ишлари 1983 йилгача давом этади.

Юқорида айтганимиздек комбинатнинг биринчи навбати шу йилнинг 5 декабригача фойдаланишга топширилиши керак. Лекин қурилишдаги айрим камчиликлар бунга халақит бериши мумкин. Айниқса, бинокорлик материалларини етказиб беришдаги узилишлари, ишчи кучининг етишмаслигини зудлик билан бартараф этиш керак. Айни вақтда қурилиш сифати ва сифатини оширишни таъминлаш даркор. Бош пудратчи — «Ўзбекшахтострой» трести ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ва буюртмачи ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришлари, қурилиш давомида вужудга келаётган камчиликларни дарҳол бартараф этишни таъминлашлари, бинокорлар, монтажчилар ўртасида социалистик мусобақани янада кучайтиришлари керак.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

ТЕРИМ ОЛДИДАН

«Ташсельмаш» заводининг коллективи мамлакат пахтакорларининг «Ўзбекистон» терим машинаскга бўлган буюртмасни бажариб бўлди. Пахтакор республикаларнинг колхозлари ва совхозларига йил бошидан бери 280 та шундай терим машинаси юборилди.

«Ўзбекистон» — пахта терим мавсумининг асосий зарбдор кучидир. Шу тўрт қаторли агрегат оддий қаторлаб экилган далалардаги ғўзанинг пахтасини теріб беради. Терим бошланишидан икки ой аввал буюртманинг бажо келтирилиши пахтакорларнинг олинган техникани ўз вақтида ўзлаштиришларига, механизатор кадрлар тайёрлаб етиштиришларига имкон беради.

Завод янги терим мавсумига ингичка толали пахтани терадиган 50 та «НЮ-75» терим агрегатларини ҳам ясаб берди. «Ўзбекистон» базасида яратилган бу машина ҳам бир варакайига тўрт қаторлаги ғўзанинг пахтасини теріб кетади. Унинг иш аппаратлари хор-хасни ажратиб олувчи қурилмалар билан таъминланганлигидан, терилган пахтанинг ифлослиги 2—3 процент камаяди. Ҳозир заводда «17ХВ-1,8Б» маркали яна бир пахта терим агрегати ишлаб чиқарила бошлади. Шу такомиллаштирилган машина икки кенг қаторнинг пахтасини теріб кетади. Унинг маневр қила олиш қобилияти оширилган. Шу йил Тошкентдан далаларга 140 та шундай агрегат юборилади.

В. Шевцов ЎзТАГ мухбири.

Электропоезд машинисти, Коммунистик Меҳнат зарбдори Р. Богданов «Тошкент—Сирдарё» маршрути бўйича экспресс машиналарини бошқаради. У ҳаракат ҳавфсизлигини сақлаш ҳамда электроэнергия ни тежаш бўйича юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

В. Таран фотоси.

„ОҚ ОЛТИН„ ИШҚИДА

Рихсибой Шофайзиевни «омадли йигит» дейишади. Ҳаммагаям омад ҳамроҳ бўлсин экан. Далаларига қаранг, суратга ўхшайди. Гектарида юз эллик минг кўчат бор. Ғўза тупларининг авжини кўриб ҳавас қиласиз. Бир дона бегона ўт кўринмайди. Эгатлар ҳамирдек кўпчиб, пахтадек юмшаб ётипти.

Неча йилдан бери худди шу 2-бригада планни орқага тортарди. Бригадир ер пачоқ, пастқам, нобоп дер эди. Мана энди манзара тамоман бошқача.

Ўтган йилнинг кузагида партия мажлиси бўлди. Мажлисда қўйилган масала — «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг эллик йиллигини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш ва унда коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш».

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози аъзолари юбилей йилида пландаги 27 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган эди. Коммунист бригада бошлиқларидан бир группаси зарбдор йилда зарбдорчасига меҳнат қилиб, 50 центнердан ҳосил кўтарамиз, деб ваъда бердилар. Улар орасида Рихсибой Шофайзиев ҳам бор эди.

Шу куни йигинда ҳеч ким ҳеч нарса демади-ю, аммо баъзи бригада бошлиқларининг қарашидан «Рихсибойнинг бу гапи ноўринмикан?» деган маъноні ўқиш мумкин эди. Тўғри Рихсибой Шофайзиев омилкор пахтакор, колхозда уни олдига тушадиган механизатор йўқ, деса бўлади. Ўн олти йилдан бери 11-бригадада звено бошлиғи. Звеноси ҳар йили хўжаликда биринчилар қаторида планни бажаради. 95 фоиз ишни техника елкасига юклаган. Ўша бригададагиларнинг айтишича, ерини кўзини юмиб ҳам ҳайдаб, ҳам ҳосилини теріб олади.

1971 йил колхозда 90х15 схемасида пахта экишни синаб кўришга қарор қилинди. Ўшанда партия ташкилоти янги усулни синашни унга топширганди. Правление маъқуллади, ҳосилдорлик 28 центнердан 38 центнерга етди. Кейинги йил илғор бригадалар унинг маслаҳатига асосланиб иш кўришди. Бу гал ҳам унга оғир участкани топширишди. У юбилей йилида колхозда биринчи бўлиб ҳамма ерига оққўрғонликлар ташаббусига қўшилиб, чигитни кенг қаторлаб экди.

Хўжаликдаги 2-бригада ерлари ҳақиқатан бироз ноқулай ва пастқамроқ қисмга жойлашган. Ҳосилдорликнинг ошмаслигига ҳам сабаб бордай. Аммо, деҳқон учун ёмон ер йўқ...

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик тўйини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олишга аҳд қилиб, янги марралар белгиланганда хўжалик партия ташкилоти ва правлениеси коммунист Рихсибой Шофайзиевни қолоқ бригадага бошлиқ бўлиб

КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ўтишга таклиф этиб, адашмади. Лекин, ўшанда у «юбилей йилида қирқ центнердан ҳосил кўтараман», деганида кўпчиликда шубҳа уйғотгандай эди. Шунда хўжаликдаги энг илғор коллективлардан ҳисобланган 10-бригада бошлиғи Омонқул Айтқулов шундай деди:

— Кўриб турибман, баъзилар Рихсибойдан шубҳа қилаяпти. Қани ишонмовчи одам бўлса айтсин: қачон у ваъдасининг устидан чиқмаган? Доимо коммунист сифатида бурчини шараф билан адо этиб келаяпти. Неча бор илғор усулларни биринчи унинг звеносида синаб кўрганмиз. Мен бу йигитга ҳавас қиламан. Шунинг учун ҳам 2-бригадани беллашишга, социалистик мусобақага чақираман.

Бу гап орадаги ноқулайликни сидириб олиб кетгандай бўлди. Икки бригадир қўл ва бел олишиб, аҳдлашишди. Кимдир чапак чалиб юборди. Ҳона қарсакларга тўлиб кетди.

Шу-шу Рихсибой Шофайзиев яна ҳам эртароқ далага отланадиган, кечроқ қайтадиган бўлиб қолди. Кузда гектарига уч-тўрт тоннадан маҳаллий ўғит, 200—300 килограммдан фосфор солиб сифатли ҳайдалди. Карталарни майдалаштириб қўйган иккинчи даражали ўқариқларни йўқ қилиб, тепалик жойларни сурдириб текислаб ер четларидаги ҳар қарич жойни ҳисобга олиб, экин майдонини 2—3 гектарга кенгайтирди.

Эрта баҳор экиш олдидан яна бир бор бригада аъзолари билан маслаҳатлашиб, ишни пухталади. Сеялкага ўша картага сув тарайдиган сувчиларни ўтказди. Чунки, фақат сувчигина ернинг ҳар қаричида сувни қандай юришини биладди. Бутун далаларга уруғ гербицид қўшиб экилди. Кузда ерга сифатли ишлов берилганлиги, баҳорги ишловлар ғўзанинг текис ўниб чиқишига сабаб бўлди. Икки марта культивация қилинди. Ғўза парваришида Анорқул Абдуллаев, Наби Мирзакаримов, Рафиқ Қўчқоров, Тошқин Жўраева каби аъзолар меҳнатда намуна кўрсатдилар. Бригада бошлиғи доимо улар билан маслаҳатлашиб, фикрларини олди.

Яқинда мусобақадош 10-бригада аъзолари ғўза парвариши кўздан кечиргани келганларида гектарлардаги ғўза авжини кўриб, яна бир бор қойил қолишди Рихсибой ҳақиқатан омадли йигит экан. Ким ўйловди бир умр планни бажармаган бригада бир йилдаёқ энг олдинга ўтиб олади деб?

Бригада бошлиғи товуш келган томонга ялт этиб қаради. Бу Ленин орденли кекса пахтакор Анорқул Абдуллаев эди. Рихсибой Шофайзиев мийиғида кулиб қўйди. «Омадли йигит, дейишяпти». Рихсибой Шофайзиев омад деб меҳнатни, меҳнатдан завқ олишни тушунади.

Ҳа, унинг омад дегани шу.

Б. ПЎЛАТОВ.

ДАЗМОЛЛОВЧИ МАШИНА

Фирма эшигидан кириб, янгиликлар тўғрисида ким билан суҳбатлашманг, ҳамма ўша прессни гапради: «жоннинг роҳати, ишлатлиши қулай, енгил».

2-цехда ўрнатилган янги пресслар ҳамманинг оғзига тушиб қолганича бор. Венгриянинг «Панонно» фирмасида тайёрланиб Тошкентдаги «Юлдуз» тикув фирмасида ишлай бошлаган бу пресларнинг афзаллиги катта. Аввалги эски ускуналар қуруқ ҳаво билан ишларди, янги тикилган костюмнинг чокларини текислаш ишиданча қийинчилик билан амалга оширилларди. Янгилари эса нам ҳаво билан ишлаши натижасида, чокларни текислаш жараёни бирмунча енгиллашди. Бундан ташқари, «Панонно»нинг пресслари кийимни бир йўла дазмоллайди ҳам. Демак, дазмолловчилар ишини пресслар бажармоқда.

Ҳозир 2-цехда янги ускуналарнинг 20 дан ортиғи ишлаб турибди. Уларнинг ишга тушириліши туфайли меҳнат унумдорлиги ортди, қўл меҳнати камайди, ишчи кучининг қисқариши анча мавблаг тежашга олиб келди.

Янги пресслардан бирнечтасини 3-цехда ҳам ўрнатиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ҳ. РЎЗИМАТОВ.

Суратда: «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг зарбдор ишчиси, коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси Рихси Ҳошимова. У зиммасидаги топшириқларни 120—130 процентга етказиб адо этмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ЯНГИ КУЛЬТИВАТОР

Чирчиқ шаҳридаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида тайёрланаётган турли маркадаги агрегатлар фақат қардош республикаларгагина эмас, балки хорижий мамлакатларга ҳам жуда манзур бўлмоқда. Буни пахтачилик билан шуғилланувчи қардош республикалардан, кўплаб чет эллардан келаётган беҳисоб буюртмалардан ҳам билса бўлади.

Биргина ўтган ойнинг ўзида чирчиқлик машинасозлар Ўрта Осиё республикаларига 5 мингдан зиёд турли хил культиваторлар, канал қазувчи ва кўрак терувчи машиналар, шунингдек, 50 минг сўмлиқдан зиёд эҳтиёт қисмлар жўнатишди. Куба, Миср Араб Республикаси, Ироқ, Судан, Сурия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва барча социалистик мамлакатларга давлат Сифат белгисига эга бўлган 400 дан ортиқ турли маркадаги қишлоқ хўжалик машиналарини экспорт қилди.

Бундан ташқари, корхона Тошкент трактор, «Ташсельмаш», «Узбексельмаш» ва агрегат заводларига кооперация асосида пўлат қуйилмалари етказиб бермоқда.

Яқинда завод коллективи ўз оталиғидаги «Северний маяк» колхози ерларида тиши пластмассадан тайёрланган янги культиваторни синаб кўрдилар. Янги агрегат синовдан муваффақиятли ўтди ва уни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

Т. УРУНОВ.

МАШИНАСОЗЛАР ВАХТАДА

Тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилида Ўзбекистон химия машинасозлиги заводи коллективи зиммасига юксак ва масъулиятли вазифалар юклатилган.

Машинасозлар маҳсулот реализация қилиш ҳажмини кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, тайёрланаётган асбоб-ускуналар сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш юзасидан катта ишларни амалга оширишлари лозим. Ишчи-хизматчилар шуни ҳисобга олиб, йил бошидан эўр кўтаринки руҳ билан ишлашяпти. Давлат планигина эмас, зиммага олинган мажбуриятларини ҳам тўла ва ошириб бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Корхона цехларида авж олиб кетган социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат тантаси учун кураш коллектив иши натижаларининг баракали бўлишига салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Шу туфайли ҳам давлат планлари ой сайин зиёдаси билан адо этилмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида пландагидан ташқари реализация қилинган химия асбоб-ускуналари 350 минг сўмлик атрофида бўлди.

Машинасозлар қўлидан чиқаётган агрегатлар сифати ҳам муттасил ошиб бормоқда. Ҳозир корхонада тўрт хил маҳсулот Давлат сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Шу туфайли ҳам корхона буюртмачилари муттасил кўпайяпти. Белгиловчи йилнинг ўтган биринчи даврида мамлакатимизда барпо этилаётган жуда кўп янги химия саноати корхоналарига юзлаб турли хил асбоб-ускуналар етказиб берилди. Чет эллик харидорлар ҳам заводнинг маҳсулотини кўплаб харид қилмоқдалар.

Машинасозлар меҳнат унумдорлигини оширишда ҳам яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Шу йилнинг ўтган беш ойида бу муҳим соҳа бўйича давлат плани белгиланганидан 6 процент ошириб ado этилди. Шунинг учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми умумий ортишининг асосий кўпчилигига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди.

Меҳнатда жонбозлик кўрсатиб, коллектив ютуқларининг салмоқли бўлишига муносиб ҳисса қўшаётган, ҳар соҳада касбдошларига намуна бўлаётган ишчилар заводда жуда кўп. Республикамизда тўққизинчи беш йиллик давомида икки беш йилликни бажариш юзасидан бошланган ватанпарварлик ҳаракатининг ташаббускорларидан бири токарь В. Мамаев меҳнати таҳсинга сазовордир. У шу кунларда 1977 йилнинг март ойи ҳисобига маҳсулот бермоқда. Ўртоқ О. Нўғоев бошлиқ қозон йиғувчилар бригадаси слесарларидан Р. Алиев, Р. Қодиров, Р. Фотихов ва бошқа ўнлаб ишчилар ҳам ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишяпти. Уларнинг смена давомидаги иш кўрсаткичлари 130—150 процентни ташкил этмоқда.

Шу кунларда корхона ишчи-хизматчилари қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш ва хўжалик йилини муваффақиятли якунлаш, элюрт олдида берган ваъдаларининг уддасидан чиқиш учун фидокорона ишлашяпти.

М. МАҲМУДОВ.



Колхоз пайкалларида айни пишқичлик. Деҳқонлар бодринг, помидор ва бошқа сабзавот маҳсулотларини пешма-пеш йиғиб, шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилишмоқда. Соҳибкорлар олма топширишни давом эттиришмоқда.

Тожихўжа Юсуфалиев бошлиқ бригада коллективи маҳсулот топширишда пешқадамлиқ қилмоқдалар. Улар ҳар куни шаҳарликларга 5—6 тонна бодринг ва помидор жўнатишмоқда. Миришкорлар маҳсулотнинг сифатли бўлишига ҳаракат қиладилар. Пайкаллардан терилган маҳсулот сараланиб, яшчикларга жойланади. Шундан кейин шаҳар магазинларига жўнатилади. Суратларда: (ўнгда) колхоз боғдорчилик бригадаси бошлиғи Ҳ. Олимов (чапда) бригада бошлиғи Т. Юсуфалиев бир группа илғор сабзавоткорлар билан маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

Н. Тўраев фотолари.

САБЗАВОТ МЎЛ-КЎЛЛИГИ УЧУН

Деҳқонларимиз бу йил далаларда яхши ният билан астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар меҳнаткашлар дастурхонига кўплаб эртаги помидор, карам, картошка ва бошқа сабзавот маҳсулотлари етказиб бермоқдалар. Ҳозирги кунда пишиб етилган маҳсулот тез суръатлар билан йиғиштириб олинмоқда.

Далаларда илғор фан ютуқларидан тўғри фойдаланиб, сабзавот етиштиришда қувончли натижаларни қўлга киритиб келаётган миришкорларимиз дастлабки муваффақиятга эришдилар. Ҳозиргача давлатга пландаги 1045 тонна ўрнига 1100 тоннага яқин картошка, 495 тонна ўрнига 700 тоннага яқин карам, 70 тонна ўрнига 100 тоннадан ортиқ мева сотилиб, бу соҳадаги йиллик план ошириб бажарилди. Колхоз аъзолари даладаги ҳосилни ва имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 500 тонна картошка, шунча карам етказиб бериш юзасидан зиммаларига оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Ер — эл бойлиги. Ердан тўғри ва оқилона фойдаланган деҳқон мўл ҳосил етиштириши муқаррар. Шунинг учун ҳам деҳқонларимиз омилкорлик билан иш юритиб, такрорий сабзавот экинлари экишга алоҳида эътибор беришади. Бу йил 50 гектар ерга такрорий сабзавот, 25 гектар ерга эса картошка экилди. Ўтган йилга нисбатан ҳар гектар ердан қўшимча 40 центнердан ҳосил олинади. Сабзавот ҳосилдорлиги 250 центнер, картошка эса гектар бошига 150 центнерга етказилади.

Сабзавотчиликда яхши натижаларга эришилаётганлигининг сабабларидан бири ихтисослашган ва тўла механизациялашган сабзавотчилик бригадалари ташкил этилганлигидир. Хўжалигимиздаги картошка ва маккажўхори етиштирадиган бригадаларда ҳосилдорлик анча юқори бўлмоқда.

Картошка етиштиришга ихтисослаштирилган 6-бригада 16 гектар ерга экилган эртаги картошкадан 155,5 центнердан ҳосил кўтарди. Давлатга 248 тоннадан ортиқ картошка етказиб берилди. Шунингдек помидор, карам етиштириш ҳам кўпаймоқда. Ҳар гектар ердан 40 тоннадан помидор, шунчадан карам олинмоқда.

Сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштираётган деҳқонларимиз даромади ҳам юқори бўлмоқда. Ҳар гектар ердаги карамдан 6 минг сўмгача даромад олинмоқда.

Тожихўжа Юсуфалиев бошлиқ бригада коллективи бу йил уч гектар майдонда полиэтилен пленкалари тагида карам етиштириб, ҳар гектар ердан 160 центнердан ошириб ҳосил етиштирди. Шаҳар меҳнаткашларига апрель ойидаёқ маҳсулот етказиб берди. Ҳар гектар ердан 7000 сўмдан даромад олишга эришди. Шунингдек, пленка тагида бодринг, помидор ва бошқа сабзавот маҳсулотлари етиштириб юқори ҳосил олинди.

Сабзавотчиликни комплекс механизациялаш, катта самара бермоқда. Ҳозирги пайтда сабзавот экинларини экишдан тортиб, парваришлаш, озиқлантириш ишлари ҳам механизация ёрдамида бажарилмоқда. Хўжаликда маҳаллий ўғитлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қилинади. Ҳар гектар ердаги бодринг ва помидорга 50 тоннагача маҳаллий ўғит берамиз. Кейинги бир-икки йил, ичида бу майдонларда олинадиган ҳосилдорлик икки баравар ортди.

Сабзавот экинларига ишлов беришда ва уни йиғиб-териб олишда колхозимиз механизаторлари асосий куч ҳисобланади. Юсуф Ғуломов, Ҳатмиддин Йўлдошев каби механизаторларимиз экин қатор ораларига ишлов беришда, культивациялашда, озиқлантиришда ўрнак бўлмоқда. Экинни қондириб суғориш ҳосилга ҳосил қўшиш, демакдир. Буни миришкорларимиз яхши тушунишади. Шунинг учун ҳам Ҳайитбой Олимов, Собит Ҳошимов, Убайдулла Шарипов каби сувчиларимиз маҳорат ва тажрибаларини ишга солиб, экинларни яхшилаб суғоришяпти.

Турсун Абдуллаев, Масуда Шорахмедова, Масуда Мирсолиҳова, Ҳикоят Аҳмедова, Аҳмаджон Абдуллаев, Жўра Зоиров, Аъзам Ориповлар номини колхозимизда барча ҳурмат билан тилга олади. Улар сабзавот экинларини парваришлашда нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишда пешқадамлик қиладилар.

Колхозимиз сабзавоткорлари бу йил давлатга 5000 тоннага яқин маҳсулот етказиб беришга қарор қилишган. Ҳозирги куйда хўжаликдаги бутун куч-имконият юксак мажбуриятни бажаришга сафарбар этилмоқда.

Ҳасанбай қишлоғининг ширин-шакар узумларини шаҳарлик меҳнаткашлар яхши билишади. Боғбонларимиз йил сайин астойдил меҳнат қилиб, кўплаб мева, узум етиштиришга эришмоқдалар. Соҳибкорлар бу йил 250 тоннага яқин узум етиштириб, бу соҳадаги тўрт йиллик планни шараф билан бажарамиз, дейишмоқда.

Колхозимизда чорвачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил ҳар бош сигирдан 3100 литрдан ошириб сут соғиб олиш, ўтган йилга нисбатан сигир бошига олинадиган сут миқдорини 700 килограммга ошириш учун курашилмоқда. Колхоз сут товар фермасининг ўз илғор кишилари бор. Улардан бири Муҳаббат Умматовадир. У бу йил ҳар бош сигирдан 3600 литрдан сут соғиб олишга қарор қилган. Муҳаррам Марасулова ҳар бош сигирдан камида 3,5 минг литрдан сут соғиб олиш ҳаракатида.

Моллар учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш йўлида қилинаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқдир. Шу кунгача икки ўримда гектар бошига 100 центнердан беда олинди. Йил охиригача беда олишни гектар бошига 190 центнерга етказиш учун курашилмоқда. 80 центнердан маккажўхори дони, 600 центнердан силосбоп кўкпоя, шунча миқдорда хашаки лавлаги етиштириш учун ҳаракат қилинмоқда. Сенаж бостириш плани ҳам ошириб бажарилди. Плакда белгиланган 1,5 минг тонна ўрнига 2 минг тоннага яқин сенаж бостирилди.

Республикамизнинг 50 йиллик олтин тўйини ҳар тарафлама меҳнатда улкан ютуқларга эришган ҳолда кутиб олишга ҳаракат қилаётган сабзавоткорларимиз, соҳибкор ва чорвадорларимиз шу кунларда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар бу йил шаҳар меҳнаткашларига ҳар йилгидан кўп картошка, сабзавот, мева ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб берамиз, демоқдалар.

С. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Калинин районидаги Ильич номли колхоз раиси.

ҒАЛЛАЗОР САҲОВАТИ

РЕПОРТАЖ

Осмон билан ўпишган бу тоғларда ҳамма нарса муҳайё: Зилол булоқлар, яйловлар, дарахтлар, ўт-ўлонлар... Тоғ ёнбағридаги лалми ерларга экилаётган арпа, буғдой давлат ва колхоз омборини донга тўлдиряпти. Мевалари билан хонадонларни хушнуд қилаётир.

Бу ерлар Юқори Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозга қарашли. Хўжалик ҳар йили ғалла, боғдорчилик, чорвачиликдан катта даромад олади. Бу йил 1490 гектар ерда ғалла етиштирилмоқда. Буғдойнинг ҳар гектаридан пландаги 8 центнер ўрнига 10, арпанинг ҳар гектаридан 7 ўрнига 8 центнердан дон етиштириш, давлатга ҳаммаси бўлиб 831 тонна дон сотиш мажбуриятни олишган.

Ғаллани ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш учун барча тадбирлар кўрилган. Бу ишда 10 комбайн, 5 та дон тозалайдиган агрегат, 6 та автомашина, 4 тележка, 4 та юк ортувчи ва 38 колхозчи банд. Ғаллазорларда ишлаётганлар учун ҳамма қулайлик яратиб берилган.

— Иккита ғаллачилик бригадаси ташкил этилган, — дейди колхоз раиси Асад Ҳикматов. — Бригадаларга коммунистлардан Тўла Пўлатов билан Турсунпўлат Нурматовлар бошчилик қилишади. Ҳар иккаласи ҳам ҳар йили дондан юқори ҳосил кўтариш билан шуҳрат қозонишган.

Биз Т. Нурматов бошлиқ бригада даласида бўлдик. Ғаллазорнинг ҳам ажойиб гашти бор-да! Айни ўрим-йиғимнинг қизғин палласи. Бригаданинг 725 гектарлик ғаллазоридаги арпага биринчи ўроқ тушибди. Комбайнларни тажрибали механизаторлардан Муборхўжа Дадахўжаев, Набихон Солиев, Ислом Ғуломовлар бошқармоқдалар.

— Ҳорманглар, хирмонга барака!

— Бор бўлинглар, раҳмат.

— Бугун неча гектар ўрдингиз? — сўрадик комбайнчи Ислом Ғуломовдан.

Ҳозирча етти гектар ердаги арпани саранжомлаб қўйдим,— деди. Колхоз партия ташкилотининг секретари Абдусаттор Абдумўминов қўшимча қилди:

— Бу азаматлар ҳар йили ҳам шундай ишлашади. Юсуф Мустақимов, Фаттоҳ Маннаповлар ўрим-йиғимни тугаллаганларидан сўнг бульдозер бошқаришади. Ерларни текислаб, йўлларни кенгайтириш ишларини ана шу азаматлар бажаришади. Бу йил янгидан 22 ёшга механизаторлик касбини ўргатдик. Улар ғалла ўрим-йиғимида қатнашяпти.

Колхозда ташаббускорлар кўп. Партия ташкилоти ҳисобидаги 132 коммунист ҳамма ишда бош-қош. Улар ўзлари билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган дўстларини берилган топшириқларини сидқидилдан бажаришга сафарбар этиб, колхоз правлениеси ва партия ташкилотига катта ёрдам кўрсатишаётир. Кўпгина коммунистлар снёсий-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйишган.

Дарҳақиқат, дала айланганда ҳар бир ғаллакорнинг фидокорлик билан меҳнат қилаётганлигини кўрасиз. Мана, Муборхўжа Дадахўжаев учинчи марта айланиб чиқиб, донни машинага бўшатди. Донга тўлган машина омбор томон жўнади. Ўрим-йиғимга пухта тайёргарлик кўрган колхозда иш зўр уюшқоқлик билан давом этяпти. Республикамиз олтин юбилейини муносиб кутиб олиш мақсадида курашаётган хўжалик аъзолари саҳий ер неъматини пешма-пеш омборларга ташиб келтираётирлар.

Т. УНАБОЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ» материаллари изидан

„ОШХОНАДАН ХУШЁРХОНАГА“

Газетанинг 34-сонида босилган танқидий мақолада Чирчиқ шаҳридаги «Восток» ресторанига қарашли лагмонхонада спиртли ичимликлар сотиш авж олиб, кўнгилсиз воқеалар бўлаётганлиги кўрсатилган эди.

Мазкур мақолага Чирчиқ шаҳар умумий овқатланиш трестининг директори ўртоқ М. А. Пандан жавоб олдик. «Ошхонадан хушёрхонага» мақоласи трестда ошхона мудирлари, бош ошпазлари иштирокида муҳокама қилинган. «Восток» ресторани филиалларида қатор тадбирлар белгиланган. Трест маъмурияти шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари билан биргаликда тегишли профилактик чоралар кўрган.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Чет эл матбуоти олий даражадаги учинчи Совет-Америка учрашуви якунларини кенг шарҳламоқда. Снёсий обзорчилар таъкидлаб ўтгандек, совет раҳбарларининг АҚШ президенти билан олиб борган музокаралар ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга қўшадиган янги катта ҳисса бўлади, халқаро кескинликни янада юмшатиш, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун янги истиқболлар очиб беради.

ВАШИНГТОН. Америка матбуоти КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг «Олий даражадаги учинчи Совет-Америка учрашуви якунлари тўғрисида» қабул қилган ҳужжат билан газетхондларни батафсил таништирмоқда. Совет раҳбарлари, деб ёзади «Балтимор Сан» газетаси, олий даражадаги учрашувга СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар тарихида катта босқич билан АҚШ ўртасидан босқич, деб баҳо бермоқдалар. Газета АҚШ президенти Р. Никсон билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг учрашув жараёнида замонамизнинг энг муҳим проблемалари юзасидан бир қанча ғоят салмоқли битимлар имзоланди, деб уқтириб ўтади.

МЕХИКО, Жаҳон тинчлик кенгаши секретарнатининг аъзоси, Аргентинанинг таниқли ёзувчиси Альфредо Варела бундай деди: Совет-Америка музокаралари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан АҚШ президенти Р. Никсоннинг фикрлашиб олганликлари бутун инсоният учун жуда катта аҳамиятга эгадир. У «ҳозирги халқаро вазиятда мазлум ва эксплуатация қилинувчи халқларнинг озодлик йўлида кураш олиб борини енгиллашиб қолди» деб таъкидлади.

(ТАСС, 8 июль).

ШОНЛИ ЙИЛЛИК

ДАМАШҚ. (ТАСС). Бугун Фрот гидроэнергетика комплекси қурувчиларида байрам. Улар Сурия халқи билан биргаликда Фрот дарёсининг ўзани тўсилган кунининг биринчи йиллигини нишонламоқдалар.

Совет Иттифоқи ёрдамида қурилаётган Фрот комплекси яқинидаги Ас-Саура шаҳрида шу шонли санага бағишланган тантанали митинг бўлди.

Ўтган йил мобайнида, деб таъкидлайди «Ал-Баас» газетаси Фрот дарёси водийсида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Тўғон тўсилиши натижасида вужудга келган сунъий кўл бутун районнинг қиёфасини ўзгартиб юборди. Гидроэлектр станциясининг учта дастлабки агрегати ишга туширилди. Бир қанча ирригация системаларининг қурилиши муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу ирригация системалари қўлбола қўлдан сув олади.

Ҳозиргача қилинган ишлар, деб таъкидлайди газета, катта муваффақиятлардан иборат. Халқимиз ва бутун ишчилар синфи ана шу муваффақиятлардан ҳақли равишда фахрлана олиши мумкин. Фрот лойиҳаси, деб ёзади «Ал-Баас» газетаси, Сурияни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий программасидир.

ТАБИИЙ ОФАТ

ИСЛОМОБОД, 6 июль. (ТАСС). Маҳаллий ирригация каналларидан биридаги тўғон ўпирилиб кетганлиги туфайли сув тошганлиги натижасида Ҳайдаробод районидаги (Синд вилояти) 60 қишлоқ сув остида қолди. Моддий жиҳатдан анча зарар кўрилди. Экинлар, дон омборлари, уй-жой бинолари сув остида қолди. Неча юзлаб деҳқон оилалари бошпанадан маҳрум бўлди.

ХИТОЙДАГИ „СУҚҚАБОШ МОНАХНИНГ“ ҚИСМАТИ

ЯЛПИ ШУБҲАЛАНИШ ВА ИШОНЧСИЗЛИК ШАРОИТИ

Эндиликда Мао Цзе-дун Цзян Цидан бошқа ҳеч кимга ишонмай қўйди.

Айни чоқда энди ҳеч ким Мао Цзе-дунга ҳам ишонмайди. Узи билан миллионлаб коммунистлар ва меҳнаткашлар орасидаги ўзаро ишончсизлик ва шубҳаланиш муносабатлари буткул равишда Мао Цзе-дун томонидан вужудга келтирилган. Бундай муносабатлар эртами-кечми бутун мамлакатда катта тўс-тўполонларга олиб келади. Бунинг натижасида, шубҳасиз, халқ оммаси ғалаба қилиб «сўққабош монах» мағлуб бўлади.

Учинчидан, бу X съезддан кейинги Мао Цзе-дун томонидан танланган Марказий Комитет раисининг ўринбосарлари ва Снёсий бюро Доимий комитети аъзоларининг шахсий составида ўз ифодасини топган. Аввал бу икки тоифа энг олий раҳбарлик лавозимларига номзодлар танлашда Мао Цзе-дун партия ва давлатга асос солган айрим кишиларни ва революция ветеранларини хўжа кўрсинга тортмай, қўймасди. Бу ўринларга умумхалқ эътиросига сабабчи бўлмаслик учун, «маданий революция» даврида амалга ўтирган қандайдир «ёш ва ғўр»ларни қўйишга журъат этмасди. Бу сафар эса у Ван Хун-вэнь ва Ли Дэ-шэнни Марказий Комитет раисининг ўринбосарлари қилиб ошкора қўйди.

Сўнгги йилда Мао Цзе-дун ўзининг шахсига хаддан ташқари сиғинишни расмий жиҳатдан бўғиб, X съезддан сўнг Цзян Цин ва Яо Вэнь-юанни раис ўринбосарлари ва Снёсий бюро Доимий комитетининг аъзолари сафига киритмаганлигидан айрим қизатувчилар шундай хулосага келдиларки, Мао Цзе-дун X съездда муваффақиятсизликка учради ёки ҳеч бўлмаганда шундай қилишга мажбур бўлди.

Дарҳақиқат, шуниси аниқки, Мао Цзе-дун ва унинг энг ишончли шахслари Цзян Цин ва Яо Вэнь-юань «маданий революция»да, тўғрироғи қуролли контрреволюциянинг қонли воқеаларида қатнашиб, ҳақиқатда умумхалқ норозилиги ва ғазабига йўликдилар, уларнинг номи нафрат ва жирканиш билан тилга олинадиган бўлиб қолди, шунинг учун ҳам X съездда улар ўзларини «сал сояга олишни» афзал кўрдилар.

Маонинг ҳаракатлари расмий жиҳатдан қандай аҳамиятга эга? Бу Мао Цзе-дун аввалгидек яккабош диктатор бўлиб қолганлиги унинг ҳақиқий ҳокимиятдан заррача чекинмаганлигини кўрсатади. Цзян Цин эса «маданий революция» вақтидан бўён амалда Мао Цзе-дундан кейинги иккинчи ўринга ўтқазиб қўйилган эди. Уша вақтда у Марказий Комитет Снёсий бюроси доимий комитетининг «бош секретари» бўлиб Мао Цзе-дуннинг кўрсатмаларига мувофиқ маоча партияга раҳбарлик иши бўйича шуғулланган. Эндиликда Цзян Циннинг расмий равишдаги лавозими қандай бўлишидан қатъий назар, у барибир аввалгидек партия ишларига раҳбарлик қилади. Мао Цзе-дун томонидан ҳозир алоҳида таъкидланаётган «партияга ягона раҳбарлик» аслида ҳамманинг фақат ўзига ва Цзян Цинга бўйсинишини назарда тутади.

Мао Цзе-дун Ван Хун-вэнни ва Ли Дэ-шэнни Марказий Комитет раисининг ўринбосарлари лавозимига қўйиб, улар билан бирга Чжан Чунь-цяони ҳам Снёсий бюро Доимий комитетининг аъзолари қилиб Цзян Цин ва Яо Вэнь-Юаньни улар билан бир хил лавозимга ҳоҳлаган вақтида қўйиш учун ўзига йўл очди. Бошқача қилиб айтганда, Ван Хун-вэнь, Ли Дэ-шэн ва Чжан Чунь-цяо шундай юксак лавозимларни эгаллаган эканлар Цзян Цин ва Яо Вэнь-юань нима учун шундай лавозимни эгаллай олмайдилар? Мао ҳоҳлаган вақтида Цзян Цин ва Яо Вэнь-юанни шундай юқори лавозимга кўтара олиши мумкин

УЛАР «МАДАНИЙ РЕВОЛЮЦИЯ» ТУФАЙЛИ АМАЛГА ОШИРДИЛАР

Маонинг бу ҳаракатларининг символик аҳамияти яна ҳам муҳимдир. Ўзининг бу ҳаракатлари билан у мамлакатга ва халқаро жамоатчиликка ушбуларни маълум қилиб қўймоқчи бўлди: Хитой «маданий революция» туфайли амалга ўтирган авлод орасидан чиққан кишилар олий партия ва давлат лавозимларини эгаллаётган даврга кирмоқда. Шу жиҳатдан Ван Хун-вэнь мисоли икки томонлама аҳамиятга эга: ҳаммага маълумки, у «маданий революция» туфайли амалга эришди. Турли манбалардан олинган маълумотларга кўра, «маданий революция» вақтида Ван Хун-вэнь Шанхайда «ҳокимиятни қўлга олиш», Компартия ва касаба союз ташкилотларини ҳамда ҳокимият органларини тор-мор этиш каби ишларда зарбдорлик роли ўйнаган. Мана шунинг учун ҳам у маоча партияга кирибгина қолмай, жуда тез вақт ичида Шанхай «ревкоми» раисининг ўринбосари лавозимигача кўтарилган. X съезддан олдин Мао Цзе-дун уни атайлаб Пекинга ишга олиб келган. Раҳбарлар орасида турли йиғилишларда кўз-кўз қилиб, снёсий обрўсини ошириш мақсадида уни X съездда энг асосий ролдан бирини ўйнаш учун тайёрлаб борди. Мао Цзе-дун Ван Хун-вэнни амалда ўзидан кейинги иккинчи ўринга қўйганлигининг асосий сабаби шундаки, бу билан у бир томондан, одамларга Хитойда асосан «маданий революция» туфайли энг юксак раҳбарлик лавозимларини эгаллаш даври бошланганлигини англатиб қўймоқчи бўлди, иккинчи томондан Цзян Цинни ўз вориси қилиб расмий равишда тайинлашга йўл очди. Бундай снёсий найранг билан Мао Цзе-дун одамларга: Ван Хун-вэнь 2-номерли креслода ўтира олар экан, наҳотки, Цзян Цин унга нисбатан бу ўринга кўпроқ ҳуқуққа эга эмас, деган фикрни сингдирмоқчи.

Мао Цзе-дун контрреволюцион «маданий революция»га ўзининг бутун ҳаёти давомидаги биринчи, энг катта «хизмати» деб қарайди. Шунинг учун ўзини партия ва давлат иерархиясидаги 1-номерли креслода абадий ўтириши лозим, деб ҳисоблайди. Агар «хизмат»ларига қараб тақдирланадиган» бўлса, 2-номерли креслода ким ўтириши керак? Илгари тайинланган ворис Линь Бяо энди йўқ. «Маданий революция ишлари бўйича группа» раҳбари Чэнь Бо-да ҳам йўқ. Бинобарин, бу «группа» раҳбари Цзян Цин «табиий равишда» 2-номерли креслони эгаллаши ва ворис бўлиб қолиши кераклиги наҳотки бу тушунарли эмас? Мао Цзе-дуннинг ҳисобича, у ўзи ҳоҳлаган вақтда Цзян Цинни 2-номерли креслога ўтказа олади ва уни ворис қилиб тайинлай олади; Ван Хун-вэнни эса бу креслодан итариб юбориб, йўқ қилиш мумкин.

Тўртинчидан, бу Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 10-чақириқ составида ҳам ўз ифодасини топган. Бу рўйхатга Марказий Комитет аъзолари орасида IX съездгача бўлган эски аъзо ва кандидатлар сони яна ҳам камайган, «маданий революция» вақтида амалга ўтирган кишилар сони эса яна ҳам кўпайган. Марказий Комитет составига 40 аёл киритилган. Бундан ташқари, ахборотга мувофиқ, X съезд президиумининг 148 аъзоси орасида 32 аёл бўлган. Аввалларги ҳеч бундай бўлмасди. Умуман олганда, хотин-қиз кадрларни кўтариш, албатта ёмон иш эмас, бироқ маоча тўда бу ишда ҳам ўзининг ёмон мақсадларини назарда тутади. Бу ишлар Цзян Цин шахси обрўсини кўтариш ва унинг бўлажак кадрларини тайёрлаш учунгина қилинган.

Марказий Комитетнинг салкам йигирма аъзоси ва аъзоликка кандидатлари оқланганлиги масаласига келсак, бу асосан расмиятчиликдан иборатдир. Албатта, бу одамларни Марказий Комитетга тиклашда Мао Цзе-дун ўз шахсий режаларини ўйлаб қўйган. Бу асосан ўзининг реакцион ҳукмронлигининг оғир танглиги шароитида одамларни қандай бўлмасин хотиржам қилиш ва умумхалқ нафратини юмшатиш учун ўринли бўлди. Бундан ташқари, Мао Цзе-дун ҳар бир кишини оқлашда муайян ниятларни назарда тутади: айримлар — ўз томонига қандайдир ҳарбий қисмларни оғдириш учун оқланганлар, бошқалар — Хитой бўлмаган аҳолининг ҳурматини қозониш учун, оқланганлар—умуман, сиртдан қараганда яхши кўриниш учун оқланган. Бироқ, «тикланганларнинг» абсолют кўпчилигига ҳамон хитойча қуйидаги иборани ишлатиш ўринли бўлиб турибди: «фақат қадам товушларигина эшитиляпти, аммо тушиб келаётган лар кўринмайди». Ҳақиқатда бу кишилар ўлганми ёки ҳозир ҳам ҳаётми? Аввалгидек турмаларда ўтириб азобланяптиларми? «7 май кадр мактаблари»да айбларини ювиш учун ишлаяптиларми? Уй қамоғида туриб, ҳақорат эшитяптиларми? Ёки бўлмаса, ҳақиқатда озодликка эришиб, уларга Марказий Комитет аъзоларига ўхшаб муносабатда бўлиняптими? Буларнинг ҳаммаси — бир номаълумли тенгламалардир.

Бешинчидан, бу Мао Цзе-дунинг ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан муносабатида ўз ифодасини топган. X съездгача бўлган даврда Мао Цзе-дун шошилинч равишда соҳта комсомолни тузган эди. X съезд қабул қилган янги маоча партия уставида эса хунвэйбинлар ва хунсяобинлар ёшлар ва болалар ташкилотлари ҳисобланади, деб белгилаб қўйилган. Соҳта «комсомол»нинг тузилиши жамоатчиликни чалғитиш ва комсомол номини ўзининг ифлос ишларида фойдаланиш мақсадини кўзлайди. Хунвэйбинлар ва хунсяобинларни сақлаб туриш, келажакда кўп марта бўладиган «маданий революция»ларда ўлдириш, ғиғвогарлик, кадрлар ва халқ оммасига қарши репрессияларни уюштириш учун улардан тайёр қурол сифатида фойдаланишни назарда тутади.

Хотин-қизлар ташкилотларига келсак, шуни айтиш лозимки, Мао Цзе-дун ҳамма вақт уларга менсимай қараб келган эди. «Маданий революция» бошларидаёқ у: «хотин-қизлар ташкилотлари — энг бефойда нарса» деб сўкинарди. Кейинчалик ҳамма хотин-қизлар ташкилотлари тор-мор этилиб, уларнинг кадрлари репрессия қилинди. Бироқ, 1972 йил 8 мартдан бошлаб Мао Цзе-дун: «хотин-қизлар ўртасида ишлашга жозим даражада эътибор бериш зарур», «эркаклар қиладиган ҳамма ишни аёллар ҳам уддалай оладилар» деб уқтира бошлади. X съездан сўнг бонг уриб, хотин-қизлар ўртасида иш олиб боришга чақириб, барча вилоят шаҳарларида минглаб делегат аёллар иштирокида хотин-қизлар конференцияларини чақирмоқда, турли даражадаги хотин-қизлар ташкилотларини тузмоқда. Чамаси, уларнинг ҳаммаси ўзига ва Цзян Цин шаънига мадҳ ўқийдиган ва Цзян Цин учун катта таянч бўлиб хизмат қиладиган оммавий ташкилотлар бўлишини мўлжаллаб қилинаётганга ўхшайди.

Юқорида келтирилган ҳамма мисоллар шуни исботлайдики, Мао Цзе-дун ҳар қандай очиқдан-очиқ ва яширин тадбирлар билан, бир томондан, ўзининг реакцион ҳокимлигини сақлаб қолиш, иккинчи томондан, Мао курсисини мерос қилиб олиш учун Цзян Цинга шароит яратишга уринаётир. Бироқ, XX аср 70-йилларининг ички ва халқаро шароити шундайки, Мао Цзе-дунинг Хитой Халқ Республикасини ўз «оилавий мулкига» айлантириш йўлидаги ҳамма уринишлари оқибат натижада буткул барбод бўлади.

ХАЛҚ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ЧЕТЛАБ ЎТИШ

Маоча X съезддаги снёсий докладда, IX съезддагидек, Хитойдаги иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасида бирон бир конкрет «ютуқлар» тилга олинмади ва бironта конкрет рақам келтирилмади.

Аслида маоча тўда миллий даромаднинг катта қисмини, чет элдаги Хитой иммигрантларининг пулларини ва ташқи савдодан тушадиган пулларнинг катта қисмини ҳарбий саноатни ривожлантиришга, айниқса, ядро қуроли ва баллистик ракеталарга сарфламоқда. Кўпгина маблағлар социалистик ҳамдўстлик, халқаро коммунистик, антиимпериалистик ва миллий озодлик ҳаракатидаги иҳтилофлар ва бузғунчиликларга сарфланди, бутун дунёда тинчликни сақлаш ҳаракатини бузишга ҳамда Мао Цзе-дуннинг юқорида эслатиб ўтилган мақсадлари йўлида хизмат қиладиган турли мамлакатлардаги «бешинчи колоннани» сотиб олиш ва уларни пул билан таъминлаш учун сарфланади. Шунинг учун миллий даромаднинг жуда оз қисми меҳнаткаш оммасининг ҳаётини минимал даражада сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган саноат ва қишлоқ хўжалик соҳаларига ажратилди. Шундай экан экономика қурилишидаги қандай «ютуқлар» ҳақида Мао Цзе-дун сўз юрита олсин?

Агар маоча группировка экономика ва маданият ҳақидаги реал маълумотларни халққа билдирганда, ютуқларни пропаганда қилиш эмас, ўз-ўзини шарманда қилиш бўларди. Мана шунинг учун ҳам IX ва X съездлардаги маоча докларларда бу масалалар четлаб ўтилади.

Бир томондан — Маочи империяни сақлаб туриш ва урушга тайёргарлик кўриш учун жуда катта пул маблағлари сарфланаётганлиги, иккинчи томондан — халқнинг абсолют кўпчилигини чор-ночор яшашга мажбур этиб, уни қашшоқлик, хўрланиш ва ўлимга гирифтор қилинганлиги маоча тўда билан мамлакат халқи ўртасидаги кун сайин чуқурлашиб ва кучайиб бораётган ҳал этиб бўлмас зиддиятларга олиб келди.

ВАН МИН.

«ТРУД» газетасидан.



Совет ҳамда кубалик мутахассислар Кубанинг Марнел ва Ронте шаҳарларидаги йирик никкита иссиқлик электростанцияси қувватини оширишни бошлаб юбордилар. Уларнинг бирига 100 минг киловатт қувватга эга бўлган учта янги энергоблок ўрнатилди. Суратда: Марнел иссиқлик электростанциясининг машина зали.

В. Соболев фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ИШЧАН КИНОМЕХАНИК

Ўктам Рожибоевни Бўстонлиқ районидаги чорвадорлар, боғбонлар ҳурмат қилишади. У кишиларнинг ҳурматига сазовор бўлган областимиздаги энг яхши киномеханиклардандир.

Ўктам ака йигирма йилдан бери шу касбда ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. У бошлиқ киномеханиклар группаси ҳар доим ойлик ва квартал планларини ошириб бажаради.

Шу кунларда Рожибоев «Қизил ту», Фрунзе номли, «Ленинград» колхозларининг олис участкаларига бориб, бадиий оммабоп фильмларни кўрсатмоқда. Ўктам ака бошлиқ ўн бешдан ортиқ киномеханик район территориясида жойлашган 47 та пионер лагерига ҳам хизмат қилиб, дилларни хушнуд этмоқдалар.

— Ҳар касбнинг ўз гашти бор, — дейди Ўктам ака. Ҳамма гап ўз касбини яхши эгаллаб, уни севишда. Ҳозиргача йигирмадан ортиқ шогирд тайёрладим.

Яқинда У. Рожибоев республика кинематография Давлат комитети ва область киноланштириш бошқармасининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Рожибоев коммунистик меҳнат зарбдори, социалистик мусобақа голиби ҳамдир.

•

ДАМ ОЛИНГ, ҲОРДИҚ ЧИҚАРИНГ

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейди халқимиз. Кўмир саноати корхоналари маъмурияти, касаба союз ташкилотлари ишчи-хизматчиларнинг дам олишини янада яхши уюштириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида кўмир разрези, Ё-шахта, юк ортиш транспорт бошқармасининг кўплаб ишчи-хизматчилари ўзларининг меҳнат отпускаларини мамлакатимизнинг хушманзара оромгоҳларида, санаторий ва дам олиш уйларида ўтказдилар.

Корхоналар маблағи билан барпо этилган туристик базаларида ҳам кончиларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Биргина юк ортиш-транспорт бошқармасининг Чотқол тоғи орасида жойлашган туристик базаларида йил бошидан буён 300 дан ортиқ ишчи-хизматчи оила аъзолари билан дам олди. Бу ерда ёпиқ павильон, болали оналар ва болалар учун алоҳида хоналар, палаткалар қурилган. Чўмилиш ҳавзаси, спорт майдончалари дам олувчилар ихтиёрига бериб қўйилган.

М. ЗАРИПОВ.

Дала ишлари айни қизиган хозирги дамларда қишлоқ хўжалигида хизмат қиладиган учувчиларнинг ҳам вақтлари зиқ. Улар ҳар куни минглаб гектар майдондаги ғўзаларга ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларига химикатлар сепишмоқда. Экипаж командири Евгений Лапин ва иккинчи учувчи Темур Аблаевни Сергели авиабўлимда ҳамма таниди, ҳурмат қилади. Улар авиабўлимнинг илғор, тажрибали учувчилари ҳисобланишади. Машиналар ҳамиша парвозга шай. Е. Лапин билан Т. Аблаев бошқараётган самолёт мавсум бошидан бери Бўка райони хўжаликларининг минглаб гектар майдонида ўсимликлар зараркунандаларига қарши курашди. Суратда: командир Е. Лапин ва иккинчи учувчи Т. Аблаев навбатдаги парвоз олдидан қилинажак ишлар тўғрисида суҳбатлашишмоқда.

ИНСОН ВА ЧИНОР

ҲИКОЯ

Кўчамиз юқори томонидан Анҳор оқиб ўтади. Йигирма йилча бўлди, шекилли, маҳаллада ҳашар қилиб, сувнинг икки бетига тол экаётган эдик. Бир пайт ёши саксонларга яқинлашиб қолган Ислом бобо қичқириб қолдилар:

— Ҳай болалар, тўхтанглар...

У киши шундай дедилар-у, биз томон гоз юриш қилиб келавердилар. Ҳамма ҳайрон. Нима гап ўзи? Ўттиз метрча масофани Ислом ота хила вақтда босиб ўтиб, бизга яқинлашдилар. Қўлларида бир метрча келадиган жимжилоқдек кўчат.

— Мана бу чинорни ҳам экиб қўйинглар, кеча неварам олиб келган эди, — дедилар ниҳолчани узатиб, — соясида ўтирганларингда бизни эсларсизлар...

— Отахон, бунинг соясида ўзингиз ҳам ҳордиқ чиқарасиз...

— Ҳа, энди... — ота бир тўлғаниб қўйди.

Иликлари толиқди шекилли аста юриб бориб дўнгликка ўтиридилар. Кимдир тўнини ечиб ота тагига тўшаб берди, аллаким чой узатди. Хаш-паш дегунча ота олиб келган чинор кўчатига жой тайёрланди. Уни ўтқазаётган эдик, Ислом ота ўринларидан қўзғалиб:

— Тўхтанглар, ўзим ушлаб тураман, — дедилар.

Томирлари бўртиб чиққан озғингина қўл чинор кўчатини аваайлаб тутиб турарди. Ёшлар «менга навбат, менга навбат» деб тупроқ ташлашга талашишарди. Ислом ота эса оппоқ соқолини селкиллатиб, қиқир-қиқир кулар, болаларни «Чинордек умр кўринглар», деб оқларди.

Бу манзара одамзот фикрини узоқларга олиб кетарди. Кучоқ етмас чинорлар ҳам шу зайлдаги кўчат бўлмаганми? Агар у инсон қўлига тушмаганда, унинг ҳаётбахш саховатидан баҳра олмаганида, бунчалик камолотга етмас эди. Шу сабабли чинор чўққиси қуёш оташида кўяди, яллиғига бардош беради, аммо шуларнинг ҳаммасига чидаб, одамларни ҳаётбахш соясида ардоқлайди, шапалоқ япроқлари билан елпиб, ҳузурҳаловат бағишлайди.

Шу кундан бошлаб у Ислом ота чинори деган номни олди. Унинг қаторига ўтказилган тол поялари куртак чиқариб, барг ёзганда ҳам чинорча ҳаракатга тушмаган эди. Бу ҳолатни кузатиб юрган Ислом отанинг кенжа невараси кечқурун бобоси олдида маъюс қиёфада гап бошлаб қолди:

— Бугун эрталаб ҳам кўрдим, қуруқ чўпдай бўлиб турипти...

— Баданида нами борми? — безовталаниб сўради бобо.

— Бўлса куртак чиқармасмиди?..

— Ҳимм...

Ислом ота тонг ёришмаёқ неварасини уйғотди:

— Турақол, бўтам, чинор ёнига чиқамиз...

Қуёш тиғ уриб, тоғ орқасидан кўтарилаётганда невара бобо билан етаклашиб, анҳор бўйига аста юриб боришди. Улар чинор ёнига келганларида бобонинг юзида ғалати ўзгариш пайдо бўлди. Ҳақиқатан ҳам кўчат қилт этмай «без» бўлиб турарди. Ота ҳассасини қўлтиғига қистириб, қўлини кўчатга чўзди ва унинг учидан букиб кўрди. Синмади, эгилди. Шундан сўнг чинорчани бошдан-оёқ пайпаслаб чиқди. «Хайрият, баданида нами бор экан» деди ва аста қўзғалиб, атрофга алангади.

— Кўкаради, бўтам, кўкаради, эрта-индин куртак чиқаради, — деди бобо неварасининг елкасига қоқиб.

— Эккан кўчатим тутмай қолмаган. Чинор — қаттиқ дарахт, амалга кеч киради. Тол шошилиб, тез кўкаради, шунга қараб қўлга бормай пўкак бўлиб қолади. Чинор узоқ яшашини билади, ҳаракати ҳам шунга яраша пишиқ-пухта...

Ислом ота чинор кўчати эккан кунлари ҳамма қанақа кувонган бўлса, биринчи куртак чиқарганда ҳам шунақа хурсандчилик бўлди. Биринчи хабарни неваралари олиб келди.

— Айтмовмидим, кўкармай қолмайди деб, — кулиб дедилар бобо, — падари бузрукворимиз косов эксанг, ҳам кўкарсин, деб дуо қилганлар. Ота-она олқиши дарё сувидек ҳаёт бахшида этади.

Чинор куртаги япроқларга айланди, шох ёзиб шабадада одамларга илк марта ором бахш этди.

Йиллар ўтиб турарди. Ислом ота саксон бешларга кирганларида чинор навқирон йигитдек қомат кериб, одамлар кўзини қувонтирди. Уша кезлари бобо бетоб ётиб қолдилар. Ҳурматлари остонасида пешвоз туриб, ҳар куни жуда кўп киши келиб кўрар, соғайиш, сиҳат-саломатлик истаб, кекса қалбни мамнун этиб кетарди. Меҳмонлар хайрлашаётганларида бобо уларга «Чинор тагида салқинлаб кетинглар,» деб таклиф қилиб қоларди. Бунга ҳам кўнгли тўлмай, неварасига «Йигитларни олиб чиқ, чинор тагида бир пиёла чой қўйиб бер» деб таъкидларди.

Баҳор охирлаб, ёз бошланаётган кунлар эди. Отани ким зиёрат қилгани келса, гапни аввал чинордан, ажиб файзли бўлиб ўсаётганлигидан бошлар, бу билан отанинг кўнгли, саратонда булоқ суви ичгандек ором олишини билишарди.

— Ҳай, ҳай чинор тагида бир пиёла чой ичдингларми, ажабтовур яхши ўсибдими, — дерди у нурсизланиб қолган кўзлари билан кучсиз тикилиб, қуёш оташига қалқон бўлибди-да....

Ислом ота бир кун нонуштадан кейин катта ўғлини чақириб, «Мени чинор тагига олиб чиқинглар» деди. Ота хоҳишини қайтариш мумкин эмас эди. Йиллар, невара-чеваралар кафтларига қўйгандек табаррук кишиларини чинор тагига қўйилган сўрига олиб чиқдилар. Бобо атлас кўрпачалар устига ёнбошлади. Қўлларини чўзиб, чинорнинг энди йигит белидек бақувват қоматини силаб, юз-кўзларига суртдилар. Шамол эсиб, унинг япроқлари отани ардоқлаб елпиб қўйди, аъзойи бадданлари яйраб, ҳузур қилди...

Шу куни эртасига маҳаллага гап тарқади: Ислом ота дунёдан ўтибдилар...

Ҳамма мунғайиб қолгандай бўлди. Дафн маросимига келганлар марҳум билан сўнгги бор видолашиб, чинор тагига тўпланишарди. Кўчаларга машина, одам сиғмай кетди. Чинор ҳам мотамсаро, ўз мураббийси олдида япроқлари эгилган қиёфада эди.

Ислом ота жасади солинган тобут тепада гўё муаллиқ борарди, «қўлим тегиб қолсин», деган одам ҳам яқинлашаолмасди. Кўча бошига чиқилганда кимдир қичқирди:

— Тобутни чинор тагига қўйинглар!

Шундай қилинди. Уша одам, чинор япроғидан бир жуфт узиб отанинг бошига ёпди.

— Сизга абадий соябон бўлсин, — деди пичирлаб.

Чинор силкиниб, чайқалиб кетди. Унинг танасидан сув сирғалиб чиқиб, тобут устига ёш бўлиб томди...

Мана шунга йигирма йил бўлди. Ислом ота чинори айқириб ўсмоқда. Ҳар йили шохига-шох қўшилади, кўкка бўй чўзади. Ҳозир уни анча узоқдан ҳам кўриш мумкин.

Қайси куни ёшлар, кексалар Ислом ота чинори тагида гаплашиб ўтириб, у кишининг номини анча вақтгача улуғлаб тилга олдик. Кимдир заминдор қилиб:

— Ислом ота чинор экиб, номини абадийлаштирди, — деди.

— Чинор эккан кишининг номи инсон умрига абадий пайвенд бўлади, — деб қўшиб қўйди кимдир.

— Чунки чинорни чинор қилган инсон боласи бўлади, ука, — тўрда ўтирган мўйсафид суҳбатга якун ясади.

Дарвоқе, жимжилоқдек чинор кўчати инсон фарзанди қўлига тушмаганда, бугунгидек кўкка бўй чўзиб турармиди?

Маҳалламиздаги чинорни Ислом отага қўйилган ҳайкал, деб аталмиз. Инсон чинорни, чинор инсонни минг йил яшатади.

С. МАҲКАМОВ.

ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИГА КЎРА

ПАЛОВ

ПАЛОВНИ ким билмайди, дейсиз! Хонадонларда, тўй-маъракаларда, ошхоналарда палов кўп тайёрланади. Одатда биз бу лаззатли, тўйимли таомни севиб истеъмол қиламиз, уни қандай масаллиғлардан ва қай тарзда тайёрлашни яхши биламиз-у, лекин ана шу масаллиғлар қандай моддалардан таркиб топганлиги, бу моддалар қандай хусусиятларга эга эканлиги билан ишимиз бўлмайди. Модомки, палов энг лаззатли, тўйимли овқат экан, демак унга солинадиган масаллиғлар таркибида бир гап бўлиши, бўлганда ҳам «катта гап» бўлиши керак.

...Палов асосан етти хил масаллиғдан тайёрланади. Агар уларнинг биронтаси бўлмаса ёки камлик қилса, ош кўнгилдагидек лаззатли ва хуштам бўлмай қолади. Аслида, ҳар бир масаллиғ айрим моддадан ташкил топган. Қуйида буларнинг номлари ва хусусиятлари ҳақида гап боради.

ТУЗ икки элементдан — натрий ва хлордан таркиб топган, яъни тузнинг 39,3 процентини натрий ва 60,7 процентини хлор ташкил этади. Бу туз асосан озиқ-овқатга ишлатилгани учун «ош тузи», деб аталади. У сувда яхши эриб, натрий ва хлор ионларига бўлиниб кетади, бошқача қилиб айтганда, ош тузи натрий катиони ва хлор анионига айланиб қолади. Натрий катионлари мускул тўқималарининг нормал ишлашини таъминлайди, хлор анионларининг меъда учун аҳамияти катта.

ГУШТ таркибида 15—22 процент оқсил, 35—37 процент ёғ, 1 процент углевод, 1,1—1,4 процент минерал моддалар, А ва В витаминлари, 47—48 процент сув мавжуд. Шу моддалар ичида оқсил одам организми учун айниқса фойдалидир. Чунончи, оқсил фермент ва гормонларнинг ҳамда ҳужайра ва тўқималарнинг вужудга келишида, организмдаги кислота ва ишқор миқдорини бир меёрда тутиб туришда катта хизмат қилади...

САБЗИДА организм учун фойдали бўлган А, С, B^1 ҳамда B^2 витаминлари ҳам мавжуд. Аммо, сабзи қовурилганда, ундаги барча витаминлар бузилиб кетади. Фақат витамин А бузилмасдан, ош билан биргa истеъмол қилинади. Организмда бу витамин етишмаса ёки мутлақо бўлмаса, киши шабкўр бўлиб қолади.

ПИЕЗ (Гап туппиёз ҳақида боради) зарарсизлантириш ва бактерияларни ўлдириш қобилиятига эга. Унинг таркибида қуйидаги моддалар мавжуд: шакар 4—10 процент; минерал моддалар —0,65 процент, эфирли ёғ — 0,03—0,05 процент, С, B^1, B^2 витаминлари ва ҳоказо. Пиёз арчаётганда кўздан ёш келишига сабаб ҳам унда аччиқ ҳидли эфирли ёғ борлигидир.

Пиёз ошнинг таъмини яхшилайди. Таом рангининг қизил ёки оқ бўлиши пиёзнинг қандай қовурилишига ҳам боғлиқ.

ГУРУНЧ палонинг «жони», унинг асосий масаллиғидир. Гуруч таркибидаги углеводлар киши организми учун керакли ва фойдали моддадир. Улар, биринчидан энергия манбаи ҳисобланади, иккинчидан оқсил ва ёғларнинг нормал миқдорда оксидланишига имкон беради.

Организмда углевод етишмаса, биокимёвий оксидланиш (яъни овқатнинг ҳазм бўлиши) яхши ва охиригача давом этмайди. Халқ орасида, ёғли паловдан сўнг 72 луқма нон ёмоқ лозим, деган гап бор. Бу бежиз эмас. Негаки, нон таркибида 70 процентгача углевод мавжуддир, бу овқатнинг яхши ҳазм бўлишига имкон беради.

Гуруч таркибидаги кобальт органик бирикмаларда қизил қон таначаларининг вужудга келишига ёрдам беради. Аксинча, бу элемент бўлмаса, организм камқонлик касалига учрайди.

ЁГ глицерин (уч атомли спирт) ҳамда ёғ кислоталаридан иборатдир. Ёғлар одам организмида бир қанча муҳим вазифаларни бажаради. Чунончи, ёғлар, энергия манбаидир. (бир килограмм ёғ 9,3 килокалория иссиқлик ажратади:. организмни совуқдан сақлайди, айрим витаминларни эритади ва ҳоказо.

Бу етти хил масаллиғдан ташқари палов қалампир, зира, қорақант, нўҳат, сарымсоқ, пиёз, беҳи ва майиз солиб, тайёрланса, яна ҳам яхши бўлади.

А. РАЖАБОВ,

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТОҒЛАР бўйлаб сафарга чиққан туристлар ажойиб манзараларнинг гўзоҳи бўлади. Кўк билан ўпишган чўққиларга қўнган оппоқ қор, тоғ бағридаги ям-яшил ўрмонзор киши кўз ўнгида икки фаслни намоён қилади. Қорлардан эриб тушаётган томчилар бора-бора жилғаларга айланиб пастга томон оқиқади. Ушбу суратда: жилғалар бошланган жойлар тасвирланган.

В. Таран фотолари.

Спорт

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Финал олдидан мутахассислар ўнинчи жаҳон чемпионатида ўйналган ҳар бир матчни синчиклаб бир-бир анализ қилиб чиқдилар. Ман-ман деган тажрибали спорт мутахассисларидан 16 киши ГФР терма командаси чемпион бўлади, деб олдиндан башорат қилди. Ўн мутахассис эса Голландия футболчиларининг чемпион бўлишига умид боғлади.

Финалга чиққан икки командаларнинг бир-биридан кам жойи йўқ эди. Уларнинг учрашуви ниҳоятда кескин бўлишини ишқибозлар олдиндан билишарди. Маҳаллий газеталарнинг ёзишича, ўз командаларига мадад бермоқ учун Голландиядан салкам 80 минг ишқибоз етиб келибди. Уларнинг автомашина ва автобуслари Мюнхен кўчаларини тўлдириб юборди.

Голландияликлар Мюнхенга келишга келишди-ю, аммо стадионга кириш учун билет тополмай кўп сарсон бўлишди. Чунки 45 маркалик билет қўлда 1,5 минг маркага чиқиб кетган эди. Шундан кейин ишқибозлар стадион ёнгинасида қад кўтарган телевизион миноранинг баландроқ нуқтасидан ўйинни кузатишга умид боғлашди.

Голландия билан ГФР командалари олдинги йилларда ўзаро ўн тўққиз марта учрашган эди. Учрашувларнинг еттитаси Ғарбий германиялик спортчилар, олтитаси эса голландиялик футболчилар фойдасига ҳал бўлган эди. Қолган ўйинлар дуранг натижа билан тугаганди. Тўплар нисбати ГФР командаси фойдасига 45:38 эди.

Ўнинчи чемпионатда эса Голландия командаси рақиб дарвозасига тўп киритишда немис футболчиларидан ўзиб кетди. Улар саралаш ва ярим финал ўйинларида рақиб дарвозасини ўн тўрт марта аниқ нишонга олдилар. ГФР футболчилари эса ўн битта тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Бир-бирига муносиб икки рақиб 7 июль куни финал матчида куч синашмоқ учун Мюнхеннинг улкан олимпия стадионига тушиб келдилар.

Тўп ўйинга кириши билан Голландия футболчилари ҳужумга ўтишди. Команда капитани Круифф тўп билан рақиб ҳимоясини ёриб кирганида унга нисбатан қўполлик ишлатилди. Судья ГФР командаси дарвозаси томон дарҳол ўн бир метрлик жарима тўпи белгилади. Ҳужумчи Неескенс ҳисобни очди.

Голландия командаси учрашувни муваффақиятли бошлашга бошладию, аммо биринчи бўлим давомида улар қалбида негадир ғайрат чўғи алангаланмади. Аксинча 0:1 ҳисобида ютқазиб турган немислар ташаббусни қўлга олдилар Улар кетма-кет рақиб дарвозасини нишонга олавердилар. Ниҳоят, 27-минутда ҳужумчи Хельсенбайн ҳимоячилар оширган тўп билан олга ташланди. Дарвоза яқинига келганда эса уни голландияликлар туртиб йиқитишди. Энди судья Голландия терма командасини томон ўн бир метрлик жарима тўпи белгилади. Ҳимоячи Брайтнер ҳисобни тенглаштирди.

ГФР футболчилари ҳужуми яна ҳам кучайди. Энди улар майдон бўйлаб эркин ҳаракат қила бошладилар. Айниқса ҳужумчи Мюллер командага кўп фойда келтирди. У бир неча хавфли ҳужумларни ташкил қилди, ўзи ҳам неча бор дарвозага аниқ тўплар йўналтирди. Ниҳоят, 44-минутда ўнг томондан бошланган ҳужумни Мюллернинг ўзи муваффақиятли якунлади.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида майдонда «учар голландлар» пайдо бўлди. Энди улар бутун команда бўлиб ҳужумга ўтишган эди. Меҳмонлар тўп билан эпчил ҳаракат қилар, рақиб жарима майдони томон енгил кириб борарди. Ҳар гал ҳам ГФР дарвозабони Майер ва ҳимоячилар жонга оро киришди. Улар матч давомида ниҳоятда аниқ ҳаракат қилиб, қийин ғалабани қўлда сақлаб қолдилар.

Чемпионат ғолиби ГФР футболчилари ФИФАнинг олтин кубогини қўлга киритдилар. Голландиялик спортчиларга эса кубокнинг олтин суви юғуртирилган нусхаси насиб бўлди.

Бир кун олдин худди шу стадионда Бразилия ва Польша терма командалари учинчи ўрин учун беллашган эди. Биринчи бўлим икки томоннинг тенг курраши билан якунланди. Учрашувнинг иккинчи бўлимида польшалик футболчилар ҳужуми кескинлашди. Учрашув тугашига ўн икки минут қолганда ҳужумчи Лято рақиб ҳимоячиларини ортда қолдириб, ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Бу чемпионат давомида Лято киритган еттинчи тўп эди.

Бразилияликлар ҳисобни тенглаштириш учун кўп уринишди. Аммо Польша футболчилари ҳимояда ҳам, ҳужумда ҳам жонбозлик кўрсатиб, ҳисобни сақлаб қолдилар ва учинчи совринли ўринни эгалладилар. Уларга кумуш медаль тақдим этилди. Тўртинчи ўринни эгаллаган бразилиялик футболчиларга эса бир томонга ФИФА кубоги, иккинчи томонига чемпионат эмблемаси тасвири туширилган бронза медали берилди. Шу тариқа ГФР шаҳарлари футбол бўйича ўнинчи жаҳон чемпионати қатнашчилари билан хайрлашди.

Ж. НОСИРОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.45— ТОШКЕНТ. «СВЕТОФОР». 12.00 — МОСКВА. 18,10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.40 — «АХБОРОТ». 19.00 — Футбол: «ПАХТАКОР» — ЦСКА. 20.45 — Сув танқислиги ни енгиб. 21.05 — «Ахборот». 21.20 — Концерт. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Футбол: «ДИНАМО» (Киев) — «ЗЕНИТ» (Ленинград). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 16.35 — МОСКВА. 16.40 — Онамларнинг мактаби 17.10 — Спорт кундалиги. 17.40 — Тўрт танини ва ит (бадиий фильмнинг 2-серияси). 18.35 — Инсон ва қонун. 19.05 — Янгиликлар. 19.15 — Болалар учун кўрсатув. 19.30 — Катта қурилишнинг бошланиши. 20,00 — П. И. Чайковский номидаги V халқаро конкурс лауреати И. Панамаренконинг чиқиши. 20.20 — Хитойнинг махсус райони (иккинчи кўрсатув). 20.50 — Леонардо до Винчи ҳаёти 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30 — Ишчилар шон-шуҳрат клуби. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19,15 — Ҳужжатли кино экрани. 19.45 — Юбилей объектлар қурилишини тезлаштирайлик. 20.05 — Балетлардан саҳналар. 20.45 — Телеспектакль.

КИНО

Ерда ҳаёт бўлсин деб — НАВОИЙ номли, «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Кумуш кўл хазинаси — «КЎКЧА», ҲАМЗА номли, «ДРУЖБА», Г. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Қора пайпоқ — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (10.00, 18.00).

Бошсиз чавандоз — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Фирибгар — «ФЕСТИВАЛЬ».
Ҳур қизлар — «ХИВА».
Шахсий топшириқ — ТЕЛЬМАН номли.

КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИНИНГ ТАЙЁРЛОВ КОНТОРАЛАРИ СЕЛЬПО ВА РАБКООПЛАРИ ЧЕКСИЗ МИҚДОРДА ПРЕЙСКУРАНТ НАРХЛАРИ БЎЙИЧА ХЎЛ МЕВАЛАРНИ

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИ ТАЙЁРЛОВ КОНТОРАЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ.

Қабул пунктлари ҳар куни эрталаб соат 8 дан кеч 8 гача ишлайди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИНИНГ ТАЙЁРЛОВ БОШҚАРМАСИ.

Ўзбекистон ССР «Госкино», Ўзбекистон Кинематографчилар Союзи ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ўзбекфильм» киностудияси театр ва кино артисти

Умар АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент область туберкулёз диспансери маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари диспансер врачи М. Ш. Каримовга отаси

Шукур КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 01636. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри Индекс 64634. А—2533.